Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 230 (21. 096) 1991 йил 28 ноябрь, пайшанба

Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон—Покистон:

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК



Қабул пайти.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов республикага келган Покистон савдо-иқтисодий делегациясини 27 ноябрь куни қабул қилди, делегацияга иқтисодий масалалар давлат вазири Сардор Асеф Аҳмад Али бошчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти меҳмонлар билан самимий кўришгач, ўзбек халқи покистон халқига, унинг анъаналари ва маданиятига алоҳида ҳурмат билан қарашини таъкидлади.

Қабул чоғида ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик муаммолари муҳокама қилинди. Жумладан, мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги иқтисодий сиёсати ҳақида гапирилди. Бу сиёсат Ўзбекистоннинг ҳом ашё етиштирувчи республикадан қайта ишловчи саноати ривожланган, жаҳондаги илғор технологиялардан фойдаланиб, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган давлатга айлантиришга қаратилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бир вақтда, деҳилди учрашув чоғида, Ўзбекистон Иттифоқ доирасида ягона иқтисодий маконни сақлаб қолишдан ғоят манфаатдордир, чунки бундай макон сақлаб қолинмаса, ўнлаб йиллар давомида йўлга қўйилган иқтисодий алоқаларни ва бошқа алоқаларни тезда йўқотиб қўйиш мумкин. Ўзбекистон бошқа республикалар билан ўз муносабатларини конфедерация қоидалари асосига қуриши лозимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Покистон билан бевосита сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни мустаҳкамлаш ниятидадир, деди И. А. Каримов. Таниқли «Табани» фирмаси икки давлат ҳамкорлигига катта ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Президентининг гапларига қараганда, бозор иқтисодиёти шароитида республика ҳудудида шундай фирмаларни тузишдан, бир-биримизга амалий ёрдам бериш асосида унинг ёрдамчи соҳаларини ривожлантиришдан жуда манфаатдормиз. Ўзбекистонда миллий банк барпо этилди, у хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда. Тошкентда Покистон банклари филиаллари очилишидан республика манфаатдордир.

Қабул чоғида Тошкент ва бирадарлашган шаҳар Карачи ўртасида транспорт алоқаси ўрнатиш, маданият ҳодимлари делегацияларини бир-бирларига юбориш масалалари тилга олинди. Бош консулхоналарни кенгайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Меҳмонлар самимий кутиб олинганлиги, хайрихоҳлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, иқтисодиёт, туризм ва маданият соҳаларида алоқаларни мустаҳкамлаш истагини айтдилар.

Меҳмонлар И. А. Каримовга Покистон Бош вазири Муҳаммад Навоз Шарифнинг Покистонга ташриф буюришга таклиф этилган мактубини топширдилар.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи савдо алоқалари комитетининг раиси У. Т. Султонов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Т. Ю. Ойхўжаев, Покистон томонидан — Покистон миллий ассамблеясининг аъзоси Лиакат Балуш, Покистоннинг Москвадаги элчиси Ашраф Жаҳонгир қози иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

МУНОСИБ НОМЗОД

Наманган вилоятида ҳам республика Президентлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишлар, митинглар бўлиб ўтаяпти. Куни кеча Уйчи районида кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Район стоматология поликлиникаси бош ҳакими М. Мадраҳимов, 4-ўрта мактаб директори А. Абдувалиев, район уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши аъзоси Н. Собиров ва бошқа нотиқлар республика Президентлигига бирдан бир муносиб номзод И. Каримов эканлигини таъкидладилар. Қисқа вақт ичида жумҳуриятимизда амалга оширилган барча ҳайрли ишларда унинг ҳиссаси катталигини холисона гапирдилар.

Поп ноҳиясида ҳам шундай митинг бўлди. Митинг қатнашчилари якдиллик билан Ислом Каримов номзодини маъқуллаб, қарор қабул қилдилар.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ОВОЗДАН

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов қисқа муддат ичида республикамизда катта ишни амалга оширишга муваффақ бўлди, — деб таъкидлади митингда сўзга чиққан республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг раиси Т. Бойминов. — Шулардан энг муҳими — Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидир. И. А. Каримов халқ дарди билан яшамоқда, ҳар бир масалада у халқ билан маслаҳатлашмоқда. Республикамиз кўпмиллатли, лекин турли миллат вакиллари бир оила фарзандидек аҳил ва дўст яшамоқда. Бебаҳо мулкимиз бўлган халқлар дўстлиги — И. А. Каримов ўтказаётган сиёсатнинг яна бир мевасидир...

— Жамият тараққиётида шахснинг катта роль ўйнаши тарихдан маълум, — деди ўз сўзида уруш ва меҳнат фахрийси М. Насимов. — Лекин халқ дарди билан яшаган, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутган шахсгина эл-юрт ҳурматига сазовор бўлади, авлодлар хотирасида сақланиб қолади. Республикамизнинг ҳозирги раҳбарини шундай инсон деб биламан ва унинг учун овоз беришга чақираман.

Турли миллат вакиллари меҳнат қилаётган «Средазгипроводхлопок» институти жамоаси номидан сўз олган шу институт бош мутахассиси Б. Жуманов И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлаб, унинг мутахассис сифатида иқтисод ва молияни жуда яхши билишини таъкидлади.

— Ўзбекистонда осойишталик ва эртанги кунга ишонч ҳукм сурмоқда. Биз оналар бунинг қадрини жуда яхши биламиз, — деб таъкидлади «Техноводстрой — экономика» институтидан П. Румшевич. — Бизнинг кўнглимиз тинч, чунки республикамизда барқарорлик сақланиб қолаётган, миллатлараро келишмовчиликлар эса йўқ. Бунда ҳозирги Президентимизнинг хизматлари бениҳоя катта. Биз оналар И. А. Каримовнинг Президентлик. ка номзодини чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети корхоналари ва ташкилотлари меҳнат жамоаларининг митинги қатнашчилари И. А. Каримов номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатилганлигини якдиллик билан маъқуллаб, 29 декабрь куни унинг номзодини ёқлаб овоз беришларини айтдилар. Йиғилиш аҳли И. А. Каримов номига йўллаган ўз телеграммаси. да республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва эл-юрт фаровонлигини ошириш йўлида унга янги-янги муваффақиятлар тилади.

А. РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛОЙИҲА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА

Ушбу шартномани имзолаган давлатлар

Ўзлари эълон қилган Мустақиллик тўғрисидаги декларацияларга асосланиб ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этиб;

ўз халқлари тарихий тақдирининг ўхшашлигини ҳисобга олиб ва уларнинг дўстлик ва тотувликда яшашга бўлган ҳоҳиш-иродасини ифодалаб, тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириб;

уларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий тараққиётини, миллий маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишини, умумий хавфсизликни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиб;

фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли кафолатини вужудга келтириш истаги билан;

янги асосларда мустақил давлатлар иттифоқини тузишга азму қарор қилдилар ва қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар.

I. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Биринчи. Шартномада қатнашувчи ҳар бир республика мустақил давлатдир. Мустақил давлатлар иттифоқи (МДИ) — шартнома қатнашчилари ихтиёрий равишда топширадиган ваколатлар доирасида ҳокимиятни амалга оширувчи конфедератив демократик давлатдир.

Иккинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этиш ҳуқуқини ўзларида сақлаб қоладилар ва уларнинг ҳудудида яшайдиган барча халқларнинг тенг сиёсий ҳуқуқларига ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда тенг имкониятларга эга бўлишларига кафолат берадилар. Шартнома қатнашчилари умумбашарий ва миллий қадриятларни бир-бирига боғлашга асосланадилар ва ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклашга ҳар қандай уринишларга қатъий қарши чиқадилар.

Учинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма эътироф этган бошқа қоидаларига мувофиқ инсон ҳуқуқлари устуворлигини энг муҳим қоида деб биладилар. Барча фуқароларнинг она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятига, ахборотлардан ҳеч қандай тўсқинликсиз фойдаланиш, диний эътиқод эркинлиги, бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат берилади.

Тўртинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар фуқаролар жамиятини тузишни ўз халқлари ва ҳар бир инсон эркинлиги ҳамда фаровонлигининг энг муҳим шарти, деб биладилар. Улар мулкчилик шаклларини ва хўжалик юритиш усулларини эркин танлаб олиш, умумиттифоқ бозорини ривожлантириш, ижтимоий адолат ва ҳимояланиш қоидаларини амалга ошириш асосида одамларнинг эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладилар.

Бешинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўзларининг миллий-давлат ҳамда маъмурий-ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайдилар. Улар халқ вакиллигига ва халқларнинг ўз ҳоҳиш-иродасини бевосита ифода этишига асосланган демократияни умумий асосий қоида, деб тан оладилар, тоталитаризм ва ўзбошимчаликнинг ҳар қандай тамойилларига қарши кафолат бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга ҳаракат қиладилар.

Олтинчи. Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар миллий анъаналарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, маориф, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданиятни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни энг муҳим вазифалардан бири, деб биладилар. Улар Иттифоқ ва бутун жаҳон халқларининг маънавий инсонпарварлик қадриятлари ва ютуқларини жадал айирбош қилиш ва ўзаро бойитишга кўмаклашадилар.

Еттинчи. Мустақил давлатлар иттифоқи халқаро муносабатларда суверен давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг вориси сифатида иш олиб боради. Мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ядро қуроли ва бошқа оммавий қирғин қуролларини тугатиш, инсониятнинг умумжаҳон муаммоларини ҳал этишда давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқларнинг бирдамлиги мустақил давлатлар иттифоқининг халқаро майдондаги бош мақсадларидир.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар халқаро ҳуқуқ субъектларидир. Улар хорижий давлатлар билан бевосита дипломатия, консуллик алоқалари, савдо муносабатлари ва бошқа муносабатларни ўрнатишга, улар билан бир-бирларига мухтор вакилларни юборишга, халқаро шартномалар тузишга, Иттифоқни ташкил этувчи давлатлардан ҳар бирининг манфаатларини камситмай, Иттифоқнинг халқаро мажбуриятларини бузмай, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақлидирлар.

II. ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-модда. **Иттифоққа аъзолик**

Иттифоқда давлатларнинг аъзолиги ихтиёрийдир.

Иттифоқни бевосита ташкил этувчи давлатлар ушбу шартноманинг қатнашчиларидир.

Иттифоқ шартноманн тан олувчи бошқа демократик давлатлар қўшилиши учун очиқдир. Иттифоққа янги давлатлар ушбу шартнома барча қатнашчиларининг розилиги билан қабул қилинади.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар шартнома қатнашчилари белгилаган тартибда ундан бемалол чиқиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

2-модда. **Иттифоқ фуқаролиги**

Иттифоққа кирувчи давлат фуқароси айни пайтда мустақил давлатлар Иттифоқининг фуқаросидир.

Иттифоқ фуқаролари Иттифоқ қонунларида ва халқаро шартномаларда мустаҳкамлаб қўйилган тенг ҳуқуқларга, эркинлик ва бурчларга эгадирлар.

3-модда. **Иттифоқ ҳудуди**

Иттифоқ ҳудуди шартномада қатнашувчи барча давлатлар ҳудудларидан иборат.

Иттифоқ унга кирувчи давлатлар чегаралари даҳлсизлигини кафолатлайди.

4-модда. **Иттифоқнни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар**

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартнома билан, шунингдек унга зид бўлмаган бошқа шартномалар ва битимлар билан тартибга солинади.

Шартномада қатнашувчи давлатлар Иттифоқ таркибида ўзаро муносабатларини тенглик, мустақилликни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ушбу шартномага ҳамда республикалараро битимларга доир мажбуриятларни ҳалол бажариш асосида қурадилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар: ўзаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш билан дўқ қилмаслик; бир-бирларининг ҳудудий яхлитлигига тажовуз қилмаслик, Иттифоқ мақсадларига зид келадиган ёки шартномада қатнашувчи бошқа давлатларга қарши қаратилган битимларни тузмаслик мажбуриятини оладилар.

Ушбу моддада санаб ўтилган мажбуриятлар Иттифоқ (давлатлараро) идораларига ҳам тааллуқлидир.

5-модда. **Иттифоқнинг Қуролли Кучлари**

Мустақил давлатлар Иттифоқи бошқарув марказлаштирилган ягона Қуролли Кучларга эгадир.

Ягона Қуролли Кучларнинг мақсадлари, вазифаси ва ундан фойдаланиш тартиби, шунингдек шартномада қатнашувчи давлатларнинг мудофаа соҳасидаги ваколатлари ушбу шартномада кўзда тутилган битим билан тартибга солинади.

Шартномада қатнашувчи давлатлар республика қуролли тузилмаларини барпо этишга ҳақлидирлар, бу тузилмаларнинг вазифалари ва сони мазкур битимда белгилаб берилади.

Мамлакат ичкарисида Иттифоқ Қуролли Кучларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, уларнинг табиий офатларнинг, экология фалокатларнинг оқибатларини тугатишда иштирок этиши, шунингдек фавқулодда ҳолат тўғрисидаги қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

6-модда. **Шартномада қатнашувчи давлатлар биргаликда бошқарадиган соҳалар ва кўп томонлама битимлар**

Шартномада қатнашувчи давлатлар ягона сиёсий ва иқтисодий маконни ташкил этадилар ва ўз муносабатларида ушбу шартномада мустаҳкамлаб қўйилган қоидаларга ҳамда уларга берилган афзалликларга асосланадилар. Мустақил давлатлар иттифоқига кирмайдиган давлатлар билан муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг умумий эътироф этилган меъёрларига асосланади. Шартномада қатнашувчи давлатларнинг муштарак манфаатларини таъминлаш мақсадида биргаликда бошқариладиган соҳалар белгилаб қўйилади ва тегишли кўп томонлама шартномалар ҳамда битимлар тузилади:

— иқтисодий ҳамжамият тўғрисида;

— биргаликдаги мудофаа ва коллектив хавфсизлик ҳақида;

— ташқи сиёсатни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тўғрисида;

— муштарак фан-техника дастурларини мувофиқлаштириш ҳақида;

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 30 октябрдаги «Андижон вилоятидаги Москва ноҳияси ва Ленинск шаҳарларининг тарихий номларини тиклаш тўғрисида»ги ва «Сирдарё вилоятидаги Ворошилов ноҳияси ва Верхневолинск шаҳар посёлкаси номларини ўзгартириш тўғрисида»ги ҳамда 1991 йил 18 ноябрдаги «Андижон вилоятидаги Ильичевск шаҳрининг тарихий номини тиклаш ҳақида»ги қарорларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йил 30 октябрь ва 18 ноябрдаги Москва ноҳиясининг тарихий номи — Шаҳрихон ноҳияси номини, Ленинск шаҳрининг тарихий номи — Асака шаҳри номини, Ильичевск шаҳрининг тарихий номи — Қорасув номини қайта тиклаш ҳамда Ворошилов ноҳиясининг номини Сайхунобод ноҳияси, унинг маъмурий маркази Верхневолинск шаҳар посёлкаси номини Сайхун шаҳар посёлкаси деб ўзгартириш ҳақидаги қарорлари тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 21 ноябрь.

ОДАМЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

● НАРПАЙ районидаги Абу Али ибн Сино номли колхознинг барча қишлоқларидаги йўлларга асфальт ётқизилди. «2-Ўзагротранспецстрой» трестининг 407-кўчма механизациялашган колоннаси бунёдкорлари улар учун 15 километрлик йўл қуриб бердилар.

Колхоз ташкил бўлганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. У яқиндагина «Правда» колхозидан ажралиб чиққан эди. Лекин дастлабки кунданоқ янги хўжалик бошқаруви меҳаткашларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилашга асосий эътибор бермоқда.

Анча ишлар қилиб қўйилди. 2,5 километр узунликдаги сув қувури фойдаланишга топширилди. Газ тармоқлари қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Янги йилда қишлоқ аҳолисининг хонадонларида «зангори олов» ёна бошлайди. Бу эса ўзига хос Янги йил совғаси бўлади.

(ЎзТАГ мухбири)

Эшитмадим деманглар

• МАМЛАКАТДА

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

● Москвада СССР Президенти матбуот котиби Андрей Грачев журналистлар билан мулоқот ўтказди. У СССР Президенти мамлакат бўйлаб яқинда ўтказган сафари натижаларидан мамнун эканлигини маълум қилди.

СССР Президентининг Эрон ташқи ишлар министри Али Акбар Вилояти билан бўлган учрашуви ҳам тилга олиб ўтилди. Элчи Президентга ўз мамлакати раҳбариятининг мактубини топширди.

ТАКЛИФ ВА ВАЗИФАЛАР

● Келгуси ҳафтанинг бошларида СССР Олий Кенгашининг Иттифоқ Кенгаши Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳасини кўриб чиқишга киришади. Палата раиси Константин Лубенченко депутатларга шу ҳақда ахборот берди.

Иттифоқ Кенгашининг фаолиятида ҳозир мамлакатдаги вазиятни таҳлил қилиш ҳамда тангликни бартараф этишга оид таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқиш энг муҳим вазифа бўлиб турибди, деди Иттифоқ Кенгаши раиси. Унинг таъкидлашича, бу иш мустақил давлатларнинг парламентлари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ўтказилади.

ВАЗИР САФАРДА

● Москвада ўз ташрифини якунлаган Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти Қозоғистон пойтахтига келди.

Эрон ташқи ишлар вазири шундан сўнг Қирғизистон, Озарбайжон, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистонга ҳам боради.

СССР ташқи алоқа вазири Эдуард Шеварднадзе Москвада Али Акбар Вилояти билан учрашди.

УКРАИНА ЎЗ ПУЛИНИ ЧИҚАРМОҚЧИ

● Украина давлат бошқаруви раиси ўринбосари Александр Савченко саноати ривожланган етти мамлакат собиқ молия вазирлари билан учрашувда Украина ўз пулини чиқармоқчилигини айтди.

Бу пул республикада тахминан ярим йил муомалада бўлади. Шу вақт ичида сўм ҳам, республика ўз пули — купонлар ҳам жумҳурият ҳудудида баб-баравар ўтаверади. Бироқ шу муддат ичида Украинада вақтинчалик эмас, балки доимий муомалада бўладиган ўз пули юзага келиши лозим. Бу валюта сўмга ҳам, Америка долларига ҳам бемалол алмаштириладиган бўлади.

• ХОРИЖДА

БРЮССЕЛДА УЧРАШУВ

● Давлатлараро иқтисодий комитетнинг раиси Иван Силаев бошчилигидаги шу комитет делегацияси аъзолари Бельгия пойтахти Брюсселга келишди.

Делегация Европа ҳамжамияти билан ҳамкорликни кенгайтириш масалалари хусусида музокаралар олиб боради. Музокарада Европа ҳамжамияти раҳбарияти қатнашади.

МЕТРОДА ЭГИЗАК ТУҒИЛДИ

● Қоҳирада нашр этиладиган «Ижипшн газетт» рўзномасининг хабари барчада ҳайрат уйғотиши табиий.

34 яшар мисрлик аёл Сабоҳ Абу метрода фарзанд кўрди. Бу ерда бир эмас, эгизак дунёга келди.

Бахтли онага метрополитен станциясидан ўз манзилига йўл олаётган врач ёрдам кўрсатган.

ОЛТМИШ ЕШДАН ОШСА ҲАМ

● Германияда 60 ёшдан улуғ шахматчилар ўртасида жаҳон биринчилиги учун дастлабки беллашув бўлиб ўтди.

Жаҳоннинг собиқ чемпиони Василий Смислов мусобақада маҳорат кўрсатди. У саккиз ярим очко жамғариб, ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи вакилимиз Ефим Геллер эса ғолибдан ярим очко орқада қолди. Унга иккинчи ўрин насиб этди.

(ТАСС, марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

ЛОЙИҲА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ИТТИФОҚИ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— инсон ва майда миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида;

— умумий экология дастурларини мувофиқлаштириш ҳақида;

— энергетика, транспорт, алоқа ва космос соҳасида;

— маориф ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида;

— жиноятчиликка қарши курашга доир.

7-модда. **Иттифоқ (давлатлараро) идораларнинг ваколатлари**

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар шартнома ва кўп томонлама битимлардан келиб чиқадиган муштарак вазифаларни бажариш учун Иттифоқ идораларига зарур ваколатларни берадилар.

Иттифоқни ташкил этувчи давлатлар Иттифоқ идораларини биргаликда тузиш, шунингдек қарорларни келишиб олиш ва ижро этишнинг махсус тартиби орқали уларнинг ваколатларини амалга оширишда иштирок этадилар.

Шартноманинг ҳар бир қатнашчиси Иттифоқ билан битим тузиш орқали унга ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни топшириши, Иттифоқ эса барча қатнашчиларнинг розилиги билан уларнинг бирига ёки бир нечасига уларнинг ҳудудларида ўзининг айрим ваколатларини амалга оширишни қўшимча равишда топшириши мумкин.

8-модда. **Мулкчилик**

Шартномада қатнашувчи давлатлар мулкчилик барча шакллари эркин ривожланишини ва уларни ҳимоя қилишни таъминлайдилар.

Шартномада қатнашувчи давлатлар Иттифоқ идоралари тасарруфига улар зиммасига юклатилган ваколатларни амалга ошириш учун зарур бўлган мол-мулкни топширадилар. Бу мол-мулк Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади ва фақат уларнинг умумий манфаатлари йўлида, жумладан, қолоқ минтақаларни жадал ривожлантириш учун фойдаланилади.

Шартномада қатнашувчи давлатларнинг ерларидан, ер ости бойликларидан ва бошқа табиат ресурсларидан Иттифоқ идоралари ваколатларини амалга ошириш учун шу давлатлар қонунларига мувофиқ фойдаланилади.

9-модда. **Иттифоқ бюджети.**

Иттифоқ бюджетини пул билан таъминлаш ва унинг харажат қисмини назорат қилиш тартиби алоҳида битим билан белгиланади.

10-модда. **Иттифоқ қонунлари**

Ушбу шартнома ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларацияси Мустақил давлатлар иттифоқининг конституциявий асосидир.

Иттифоқ қонунлари Иттифоқ ихтиёрига берилган масалалар юзасидан ушбу шартномада унга берилган ваколатлар доирасида қабул қилинади. Бу қонунлар шартномада қатнашувчи барча давлатлар ҳудудида бажарилиши мажбуриийдир.

Агар иттифоқ қонуни ушбу шартномани бузса, шартномада қатнашувчи давлат ўз олий ҳокимият органлари орқали бу қонунга норозилик билдиришга ва ўз ҳудудида унинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Иттифоқ ўз олий ҳокимият органлари орқали шартномада қатнашувчи давлатнинг қонуни ушбу шартномани бузса, бу қонунга норозилик билдиришга ва унинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

Низолар муросага келтириш тадбирлари воситасида ҳал этилади ёки Иттифоқнинг Олий судига берилади, Олий суд бир ой давомида узил-кесил қарор қабул қилади.

III. ИТТИФОҚ ИДОРАЛАРИ

11-модда. **Иттифоқ идораларини тузиш**

Мустақил давлатлар иттифоқининг ушбу шартномада кўзда тутилган идоралари халқларнинг ўз иродасини эркин ифодалаши ҳамда иттифоқни ташкил этувчи давлатлар тўла ҳуқуқли вакиллиги асосида тузилади.

Ҳокимият, бошқарув ва судлов идораларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият тартиби ушбу шартномага зид бўлмаган тегишли қонунлар билан белгиланади.

12-модда. **Иттифоқ Олий кенгаши**

Иттифоқнинг қонун чиқарувчилик ҳокимиятини икки палата: Республикалар Кенгаши ва Иттифоқ Кенгашидан иборат Иттифоқ Олий Кенгаши амалга оширади.

Республикалар Кенгашига Иттифоқни ташкил этувчи ҳар бир давлатдан унинг олий ҳокимият органи вакил қиладиган 20 депутат киради.

РСФСРдан республикалар кенгашида 52 депутат бўлади. Шартномада қатнашувчи ва ўз таркибида республикалар ҳамда мухтор тузилмалар бўлган бошқа давлатлар Республикалар Кенгашига қўшимча равишда ҳар бир республика ва мухтор тузилмадан бир депутат юборадилар. Шартномада қатнашувчи давлатлар истиқлолини ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадида Республикалар Кенгашида овоз бериш чоғида консенсус (якдиллик) қоидаси қўлланилади.

Иттифоқ Кенгаши сайловчилар сони тенг бўлган сайлов округларида Иттифоқ аҳолиси томонидан сайланади. Бунда Иттифоқ Кенгашида шартномада қатнашувчи барча давлатлар вакиллари бўлишига кафолат берилади.

Иттифоқ Олий Кенгашининг палаталари биргаликда Иттифоқ таркибига янги давлатларни қабул қилади, Иттифоқ ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан Иттифоқ Президентининг ҳисоботини тинглайди. Иттифоқ бюджетини ва унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди, уруш эълон қилади ва сулҳ тузади.

Республикалар Кенгаши Мустақил давлатлар иттифоқининг идораларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти тартиби ҳақида қарорлар қабул қилади, республикалар ўртасидаги муносабат масалаларини кўриб чиқади, Иттифоқнинг халқаро шартномаларини тасдиқлайди ва бекор қилади, Иттифоқ ҳукумати лавозимларига тайинлашга розилик беради.

Иттифоқ Кенгаши фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларини кўриб чиқади ҳамда Олий Кенгаш ваколатига доир барча масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади, Республикалар Кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бундан истиснодир.

Иттифоқ Кенгаши қабул қилган қонунлар Республикалар Кенгаши маъқуллагандан сўнг кучга киради.

13-модда. **Иттифоқ Президенти**

Иттифоқ Президенти — Конфедератив давлат бошлиғидир.

Иттифоқ Президенти Мустақил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартномага ва Иттифоқ қонунларига риоя этилиши кафили бўлади, у Иттифоқ Қуролли Кучларининг Бош қўмондонидир, ҳорижий давлатлар билан муносабатларда Иттифоқ вакили сифатида иш олиб боради, Иттифоқнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади.

Иттифоқ Президенти Иттифоқ фуқаролари томонидан қонунда белгиланган тартибда беш йил муддатга ва сурункасига кўпи билан икки муддатга сайланади.

14-модда. **Иттифоқ вице-Президенти**

Иттифоқнинг вице-президенти Иттифоқ Президенти билан бирга сайланади. Иттифоқ вице-президенти Иттифоқ Президентининг ваколати билан унинг айрим вазифаларини бажаради.

15-модда. **Иттифоқ Давлат Кенгаши**

Иттифоқ Давлат Кенгаши шартномада қатнашувчи давлатларнинг умумий манфаатларига дахлдор бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалаларини келишиб ҳал этиш учун тузилади.

Давлат Кенгаши Иттифоқ Президентидан ва шартномада қатнашувчи давлатларнинг олий мансабдор шахсларидан иборат бўлади. Давлат Кенгашининг ишига Иттифоқ Президенти раҳбарлик қилади.

Давлат Кенгашининг қарорлари ижроия ҳокимиятининг барча идоралари учун мажбурий тусда бўлади.

16-модда. **Иттифоқ ҳукумати**

Иттифоқ ҳукумати Иттифоқнинг ижроия ҳокимияти органи бўлиб, Иттифоқ Президентига бўйсунади Иттифоқ Олий Кенгаши олдида жавоб беради.

Иттифоқ ҳукуматига Бош вазир бошчилик қилади. Ҳукумат таркибига шартномада қатнашувчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари, Давлатлараро иқтисодий комитет раиси (Бош вазирнинг биринчи ўринбосари), Бош вазирнинг ўринбосарлари ва шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасидаги битимларда кўзда тутилган идораларнинг раҳбарлари кирадилар.

Иттифоқ ҳукумати Иттифоқ Президенти томонидан Иттифоқ Олий Кенгашининг Республикалар Кенгаши билан келишиб тузилади.

17-модда. **Иттифоқ олий суди**

Иттифоқ Олий суди Иттифоқ қонунлари ва шартномада қатнашувчи давлатларнинг қонунлари ушбу шартномага ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясига мувофиқлиги масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади; давлатлараро тусдаги фуқаролик ва жиноий ишларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид ишларни кўриб чиқади; ҳарбий судларга нисбатан олий судлов муассасаси ҳисобланади. Иттифоқ Олий суди ҳузурида Прокуратура тузилади, у Иттифоқ қонун ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилиб туради.

Иттифоқ Олий судини тузиш тартиби қонун билан белгиланади.

18-модда. **Иттифоқ олий ҳакамлик суди**

Иттифоқ Олий ҳакамлик суди шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий низоларни, шунингдек шартномада қатнашувчи турли давлатлар қарамоғидаги корхоналар ўртасидаги низоларни ҳал этади.

Олий ҳакамлик судини тузиш тартиби қонун билан белгиланади.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

19-модда. **Иттифоқдаги Миллатлараро алоқа тили**

Шартнома қатнашчилари ўз давлат тили (тиллари)ни мустақил равишда белгилайдилар. Шартномада қатнашувчи давлатлар рус тилини иттифоқдаги миллатлараро алоқа тили деб тан оладилар.

20-модда. **Иттифоқнинг пойтахти**

Москва шаҳри Иттифоқнинг пойтахтидир.

21-модда. **Иттифоқнинг давлат рамзи**

Иттифоқнинг давлат тамғаси, байроғи ва мадҳияси бўлади.

22-модда. **Шартномани ўзгартириш ва тўлдириш тартиби**

Ушбу шартнома ёки унинг айрим қоидалари фақат Иттифоқни ташкил этувчи барча давлатларнинг розилиги билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

23-модда. **Шартноманинг кучга кириши**

Ушбу шартнома Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг олий ҳокимият органлари томонидан маъқулланади ва у мухтор делегациялар томонидан имзоланганидан кейин кучга киради.

Уни имзолаган давлатлар учун ўша санадан бошлаб ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномаси ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

24-модда. **Шартнома юзасидан жавобгарлик**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар қабул этилган мажбуриятларнинг бажарилиши учун ўзаро жавобгар бўладилар ва ушбу шартномани бузиш натижасида етказилган зиён учун товон тўлайдилар.

25-модда. **Иттифоқнинг ҳуқуқий ворислиги**

Мустақил давлатлар иттифоқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳуқуқий ворисидир. Ҳуқуқий ворислик ушбу шартноманинг 6 ва 23-моддалари қоидаларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

Маҳсулотимизга бўлган талабнинг ошиб бораётганлигини тушуниб турибмиз, — дейди Хива гилам ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси Р. Қутлимуродова. — Шу боис, бундай тақчил буюмларни кўпроқ тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз.

Дарҳақиқат, ҳивалик гиламдўзлар шу йилнинг ўн ойида белгиланган давлат буюртмаларини ошириб бажардилар.

СУРАТДА: бирлашма ишчиларидан Р. Қутлимуродова ва А. Жуманиёзовалар маҳсулот сифатини назорат қилишаяпти.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Қиш қишлигини қилади

● Аёзли кунлар бошланди. Зеро, бу йилги қиш ҳамма учун зўр синов бўладиган кўринади. Хусусан, мустақилликка эришиб рўзғори алоҳида бўлиб турган Ўзбекистонда ҳамжиҳатлик ва тадбиркорлик билан иш юритиш тақозо этилмоқда. Қиш эшик қоқган айни кунларда биз ҳам ташкилий ишларга эътиборни қаратмоқдамиз. Мақсад ангренликларни қиш синовидан муваффақиятли ўтишга замин ҳозирлаш.

Зотан, бу йилги қиш синови ўзига хослиги билан фарқ қилади. Аҳолини озиқ-овқат, сабзавот ва картошка каби зарур маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ҳозирданоқ омборларни тўлдириб олиш долзарб масала бўлиб турибди. Маълумки, халқни кийдирмай, тўйдирмай ишга таклиф қилиб бўлмайди. Айниқса, изғиринли кунларда қорни тўқнинг оч билан нима иши бор қабилида иш юритиш ярамайди. Шунга қарамай, ишлар осон кечади деёлмаймиз. Боиси, киссадаги нақд пулга ҳам бирор нарса олиш амри маҳол бўлиб қолди. Турли минтақалар билан мол айирбошлаш орқали алоқа ўрнатилаётгани ҳам шундан. Биз ҳам саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган буюмларни аҳоли эҳтиёжига мос маҳсулотлар билан алмаштиришга ҳаракат қиламиз.

ҚАТЪИЙ СИНОВ

Тюмень вилоятидан 250 тонна гўшт, 4 тонна дон, Кемероводан 10 минг квадрат метр ойна,3 минг куб метр ёғоч-тахта, 500 тонна цемент, 30 тоннадан зиёд гўшт, Омскдан 2 вагон парранда гўшти, ва шунча тухум каби маҳсулотлар жўнатилиши керак. Биз, ўз навбатида келишилганига кўра ана шу шаҳарларга «Виктория» илмий-техника ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган пардозлаш кошинлари, ситигич қозонлари, линолеум, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатамиз. Шунингдек, республикамиз вилоятлари ва қардошларимиз билан ҳам иқтисодий муомалада бўлишга ҳаракат қиламиз. Жумладан, Олмаота, Еттисой, Оҳангарон, Бўка, Чиноз, Тошкент, Ўрта Чирчиқ ва Фарғона шаҳарлари билан кир ювиш машиналари, термос, дазмол, аралаш озуқа каби маҳсулотлар бўйича моллар айирбошлаш кўзда тутилган.

Афсуски, шаҳримиз бунёд бўлганига 45 йил тўлишига қарамай, ҳануз табиий газдан фойдаланолмай келяпти. Бунинг устига канализация тармоғи ҳам йўқ, деса бўлади. Шаҳар Кенгашининг иккинчи сессиясида қишга тайёргарлик масаласи муҳокама этилди ва ана шу икки муаммо ўртага ташланди. Кўп қаватли давлат уйлари ва шахсий хонадонларда истиқомат қилувчиларни иссиқ сув билан таъминлаш ҳам ўзига хос муаммога айланган. Бундай муҳим масалалар бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Энди мутаасиддиларнинг ишчанлигига боғлиқ. Шунда қарорлар қоғозда қолмай, амалга ошади. Ўша йиғиндан кейин бу борада бирмунча саъйи ҳаракатлар ҳам бўлди. Айтайлик, Ангрен ГРЭСи учун режадаги 300 тонна ўрнига қарийб 500 тонна кўмир тайёрлаб қўйилди. Иссиқ сув тармоғи шахсий секторга уланмоқда. Янги Жигаристон мавзеси муддатидан аввал қуриб битказилди. Бу ерда 50 хонадон истиқомат қилмоқда. Ҳар бир уйга иситгич қозонлари ўрнатилган. Мавзедаги ишлар бу билан тугамайди. Балки янада кенгаяди. Чунончи, яна янги уй-жойлар қуриш, боғча-мактабдар, дўкон-ошоналар каби маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларини бунёд этиш мўлжалланмоқда.

Ангрен аҳолисининг ўзига хос хусусияти бор. У ҳам бўлса, истиқомат қилувчиларнинг 65 фоизи шаҳар атрофидаги 16 та қишлоқда яшайди. Уларга қулайлик яратиб бериш, узлуксиз меҳнат қилишларига йўл очиш каби муаммолар ҳам ўзига хос маънога эга. Шу қишлоқлар ободончилиги учун шаҳар бюджетидан 300 минг сўм ажратилди. Йил охиригача яна шу мақсадлардаги ишлар учун қарийб 2 миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган.

Қишга тайёргарлик масалалари қандай ҳал этилаётгани меҳнаткашлар томонидан ўзига хос назорат қилинади, десак муболаға бўлмас. Ижроия қўмитамизга тушаётган шикоятлар шундан далолат. Одамлар ўзлари яшаб турган уй-жойлар вақтида таъмирланмаётгани, жорий таъмирлашлар сифатсизлиги айрим мактаб ва боғчалар қишга тайёр эмаслиги ҳақида эътироз билдиришмоқда. Дарҳақиқат, 3, 11, 22-кўп қаватли уйлар ҳамда 1, 25-боғчаларда биноларнинг капитал ремонт қилинмади. «Средазугол»нинг тиббий-санитария қисмида, аёллар консультацияси ва поликлиника биноларида таъмирлаш ишлари чўзилиб кетмоқда. Кўпқаватли уйлардаги юмушлар адоси эса 70 фоизни ташкил этиб турибди.

9-шахтага қарашли икки қозон, подстанция, трансформатор пункти капитал ремонти тугалланмади. Шаҳар сув таъминоти идораси жами тўрт километрли жойда яроқсиз ҳолга келган қувурларнинг 3,3 километрини созлади, холос. Янги Жигаристон сув таъминоти учун мўлжалланган қўшнасос қурилиши амалга ошмаяпти. Сабаби, Давлат таъминот комитети бу ишга эътиборсизлик қилмоқда.

Бундай камчиликларни бартараф этилмаётганида ўзимизни ҳам айбдор эканимизни эътироф этамиз, албатта. Бироқ оддий қувурдан тортиб, аккумуляторгача бўлган асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар етишмай тургандан кейин кўнгилдаги ишларни рўёбга чиқариш ҳам осон бўлмайдида. Қурилиш материали ҳақида гапирмаса бўлади. Сув тармоқлари ва муҳандислик коммуникациялари қурилмаларини тубдан ўзгартириш ёки қайта таъмирлаш зарур бўлиб турибди. Ишларни юритиб юборишда насос ва қувурлар танқислиги панд бермоқда.

Бунга ўхшаш камчиликларни кўплаб санаш мумкин. Албатта бу, қишлов синовига тайёр эмасмиз, деган маънони англатмайди. Муаммоларимизни республика вазирликлари даврасида муҳокамага қўйилишига муваффақ бўлдик. Республика Уй-жой коммунал хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликлари ҳамда вилоят Кенгаши ижроия комитети масъул раҳбарлари иштирокида кўпгина муаммоларни ҳал қилиш имкониятлари борлиги маълум бўлди. Бу борада қабул қилинган қарорларни амалга ошириш бошланди. Ҳар қалай ётиб қолгунча, отиб қол қабилида иш тутиб, тадбиркорлик билан кенгашган ҳолда имкониятлардан етарли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Уйлаймизки, ангренликлар аёзли кунларда қийин аҳволда қолмайдилар.

А. АЛИҚУЛОВ,
Ангрен шаҳар Кенгаши ижроия қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ депутати.

МЕВА ИСРОФ БЎЛМАЙДИ

● ҚУҚОНДАГИ «Большевик» заводи жамоаси консервалаш олдидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини турли микроблардан тозалаб берувчи янги «Автоклав» дастгоҳларини ишлаб чиқара бошлади.

Корхона усталари истеъмолчиларга ҳозиргача 153 та шундай дастгоҳ етказиб беришди. Йил охиригача яна 50 та дастгоҳ ишлаб чиқариш мўлжалланяпти.

[ЎзТАГ].

• 1991 ЙИЛ— АЛИШЕР НАВОИЙ ЙИЛИ

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий ривожланиш, фан ва маданият мажмуида мажлис бўлиб ўтди.**

Унда вазирлик ва идораларнинг, шаҳар ва вилоят ободонлаштириш ҳамда маданият бош бошқармаларининг бошлиқлари, маданият ва истироҳат боғларининг директорлари, меъморлар, муҳандислар, агрономлар ва бошқалар қатнашдилар.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Унда Тошкентдаги Алишер Навоий номли Ўзбе-

МИЛЛИЙ ГУЛШАНДА ВИЛОЯТЛАР БОҒЛАРИ

кистон Миллий боғида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларнинг боғларини ташкил этиш хусусидаги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан пойтахтимизда Миллий боғ барпо этилганлиги ва унда ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг улкан ҳайкали қад кўтарганлиги таъкидланди. Эндиликда бу масканни бутун Ўзбекистоннинг, ундаги барча вилоятларнинг кўркам чаманига, маданият ва истироҳат боғига айлантириш зарурлиги айтилди.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Миллий боғига бордилар. Улар боғдан Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон ва бошқа вилоятлар учун ажратиладиган ерларни кўздан кечирдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар қайси вилоят ўз боғини барпо этиш ишларини икки босқичда олиб боради. Биринчи босқичда амалга ошириладиган ишлар «Наврўз» байрамига тугалланади. Шундан кейин иккинчи босқич бошланади. Ҳар бир вилоят ўзига хос лойиҳа ва режа асосида ўз боғини бунёд этади.

Уларнинг ҳаммаси анвойи гуллар ва яшил либосга бурканган бир бутун маданият ва истироҳат боғи мажмуини ташкил этади. Боғда Шоирлар ҳиёбонини барпо этиш хусусида ҳам фикр билдирилди.

(ЎзТАГ).

ДЕПУТАТ НИГОҲИ БИЛАН

АНДОҚ ҚИШЛОҒИ МУАММОЛАРИ

Бу қишлоқда мен биринчи бор бундан роппа-роса 25 йил муқаддам бўлган эдим. Қишлоқ тоғ бағрида жойлашган бўлиб, ерлари ниҳоятда ҳосилдор, чорвачилик ва боғдорчилик учун имкониятларга қўлай эди. Андоқнинг узумзорлари, бу ерда тайёрланаётган майизларнинг сифати фақат Самарқандда эмас, балки бутун Ўзбекистонда машҳур. Турмуш тақозоси билан бу қишлоқнинг одамлари ҳам кўп соҳаларда яхши ҳунарманд бўлиб қолишган. Қизлари жундан шундай гиламлар тўқишадики, кўрган кишининг кўзи қамашиб кетади. Андоқ гиламларига Ўзбекистоннинг ўзидагина эмас, балки жаҳон бозорларида ҳам харидор топиш мумкин. Қишлоқда бадиий каштачилик ҳам яхши ривожланган. Қўлда тикилган каштa гуллари халқ санъатининг энг яхши намуналари бўла олади. Тоғ бағридаги булоқлар бўйида, ёнғоқзорлар ичида болалар ва катталар дам оладиган яхши оромгоҳлар ташкил этиш мумкин.

Тоғ бағридаги ерларда катта, ширин ва муздек сув ҳавзалари ҳам бор. Агар чуқур гидрогеологик тадқиқотлар ўтказилса, шу сув захираларидан ҳам кўп мақсадларда оқилона фойдаланиш мумкин. Бир неча ўн минг гектарни ташкил этувчи ҳосилдор, ҳеч қандай минерал ўғит талаб қилмайдиган ерларда экологик жиҳатдан тоза қуноҳт, энгир ва бошқа полиз экинлари етиштириш мумкин. Ишбилармонлик, жонкуярлик асосида ақл билан чора-тадбирлар кўрилса, Андоқда аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш даражасини яхшилаш учун барча имкониятлар мавжуд. Биз шундай ўй-фикрлар, тасаввурлар, яхши умидлар билан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Марат Зоҳидов билан биргаликда андоқлик бир гуруҳ кишилар илтимосига кўра бир неча кун шу қишлоқда бўлдик. Аҳолининг меҳнат, турмуш шароитлари билан яқиндан танишдик. Биз кўрган аҳволни сўз билан таърифлаш, қалам билан ёзиш ниҳоятда қийин. Агар айрим уйларнинггина томи шифер, тунука билан ёпилганини, баъзи бир хонадонлардагина телевизор борлигини ҳисобга олмасак, очиғини айтганда, аҳвол худди ўрта асрлардагидек. Жумҳуриятимизда сўнгги йилларда бўлган, бўлаётган баъзи иқтисодий, маданий силжишлар бу қишлоқни четлаб ўтиб кетганга ўхшайди. Қишлоқда иқтисодий ривожланиш имкониятларига нисбатан нуфус жараёни ниҳоятда тез суръатлар билан бормоқда. Бундан чорак аср муқаддам булоқдан бошланадиган ариқ суви атрофига жойлашган ва озроқ аҳолиси бўлган кичик бир қишлоқда ҳозирги кунда ўн мингдан ортиқ аҳоли яшамоқда. Қишлоқ қурилишида ҳам бирор тартиб, режа йўқ-қа ўхшайди. Уйларни ҳар ким хоҳлаган ерига, хоҳлаганича қуриб олган. Қишлоқда яшовчи шунча аҳолидан фақат 150—200 кишигина давлат хўжалигида ишлайди. Уларнинг ҳам баъзилари учун иш доимий эмас, мавсумий. Давлат хўжалигининг даромади ниҳоятда оз бўлгани боисидан ишчиларнинг оладиган иш ҳақи ҳам жуда кам, кўп болали оилаларнинг эҳтиёжи учун асло етмайди. Бутун қишлоқдаги аёллардан фақат 10 кишигина иш билан таъминланган, холос. Улар болалар тарбияси учун ҳеч қандай шароити бўлмаган ниҳоятда хароб боғчада ишлайдилар. Самарқанддай шаҳри азимдан атиги юз километр нарида жойлашган, ҳали айтганимиздек ўн минг кишидан ортиқ аҳолиси бўлган катта бир қишлоқда касалхона у ёқда турсин, балки оддийгина бир тиббиёт пункти, бирорта врач ҳам йўқ. Бундай аҳволни биз ҳозир ўз нуқтаи назаримизда дунёда энг қолоқ, деб ҳисоблаб юрган Марказий Африкадаги мамлакатларда ҳам топиш аримаҳол. Агар бирор киши ёки болаларнинг соғлиғи ёмонлашиб қолса, албатта, уни Каттақўрғонга ёки Самарқандга олиб келиш керак. Транспорт ва йўл шароити оғир бўлган бир вазиятда бу ишни тез, вақтида бажариш ҳам қийин.

Бу ердаги мактабларнинг аҳволини айтмайсизми?! Биз болалар ўқийдиган иккита мактабни кўрдик. Уларни билим ўчоғи, ёшлар таълим ва тарбия оладиган жой, деб айтишга тил бормайди. Синфларда пол деган нарсанинг ўзи йўқ. Йўлакларда, дарсхоналарда тупроқнинг тўзони чиқиб ётибди. Ёшлар спорт билан шуғулланиши учун зарур бўлган имкониятлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Қиш, ёғингарчилик пайтида мактаблар ҳовлисида, дарсхоналарида шароит қандай бўлишини тасаввур қилолмайман. Ёшларга компьютер ёки бошқа замонавий техника воситаларини ўргатиш у ёқда турсин, турли фанлар бўйича оддийгина амалий машғулотлар ўтказиш учун ҳам ҳеч қандай имконият йўқ.

Қишлоқни район маркази билан боғлайдиган йўлларнинг аҳволи ҳам ёмон. Қишлоқ ичидаги йўлларнинг аҳволи ҳақида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади. Қишлоқ аҳолисининг 95 фоизи ҳаммом нималигини билмайди. Аҳолининг турмуш, яшаш шароитлари ниҳоятда ночор бўлган бундай шароитда болаларнинг қорнини яхшилаб тўйдириш, яхши кийинтириш, кишиларнинг маданий дам олишини ташкил этиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу муаммолар ҳақида бош қотирадиган ташкилот ҳам, раҳбар ҳам йўқ шекилли.

Хўш, Андоқ қишлоғини бу оғир аҳволдан олиб чиқишнинг имкониятлари борми?

Албатта, бор. Андоқнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий муаммолари тоғ бағрида ёки тоғ оралиғида жойлашган бошқа қишлоқларнинг муаммоларига ўхшаб кетади.

Биринчи масала қишлоққа сув келтиришдир. Ҳозирча Қорадарёдан насос орқали «Мойбулоқ» давлат хўжалиги ва сурункасига кўпи билан икки муддатга сайланади.

14-модда. **Иттифоқ вице-Президенти**

Иттифоқнинг вице-президенти Иттифоқ Президенти билан бирга сайланади. Иттифоқ вице-президенти Иттифоқ Президентининг ваколати билан унинг айрим вазифаларини бажаради.

15-модда. **Иттифоқ Давлат Кенгаши**

Иттифоқ Давлат Кенгаши шартномада қатнашувчи давлатларнинг умумий манфаатларига дахлдор бўлган ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалаларини келишиб ҳал этиш учун тузилади.

Давлат Кенгаши Иттифоқ Президентидан ва шартномада қатнашувчи давлатларнинг олий мансабдор шахсларидан иборат бўлади. Давлат Кенгашининг ишига Иттифоқ Президенти раҳбарлик қилади.

Давлат Кенгашининг қарорлари ижроия ҳокимиятининг барча идоралари учун мажбурий тусда бўлади.

16-модда. **Иттифоқ ҳукумати**

Иттифоқ ҳукумати Иттифоқнинг ижроия ҳокимияти органи бўлиб, Иттифоқ Президентига бўйсунади Иттифоқ Олий Кенгаши олдида жавоб беради.

Иттифоқ ҳукуматига Бош вазир бошчилик қилади. Ҳукумат таркибига шартномада қатнашувчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари, Давлатлараро иқтисодий комитет раиси (Бош вазирнинг биринчи ўринбосари), Бош вазирнинг ўринбосарлари ва шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасидаги битимларда кўзда тутилган идораларнинг раҳбарлари кирадилар.

Иттифоқ ҳукумати Иттифоқ Президенти томонидан Иттифоқ Олий Кенгашининг Республикалар Кенгаши билан келишиб тузилади.

17-модда. **Иттифоқ олий суди**

Иттифоқ Олий суди Иттифоқ қонунлари ва шартномада қатнашувчи давлатларнинг қонунлари ушбу шартномага ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясига мувофиқлиги масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади; давлатлараро тусдаги фуқаролик ва жиноий ишларни, шу жумладан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид ишларни кўриб чиқади; ҳарбий судларга нисбатан олий судлов муассасаси ҳисобланади. Иттифоқ Олий суди ҳузурида Прокуратура тузилади, у Иттифоқ қонун ҳужжатларининг ижро этилишини назорат қилиб туради.

Иттифоқ Олий судини тузиш тартиби қонун билан белгиланади.

18-модда. **Иттифоқ олий ҳакамлик суди**

Иттифоқ Олий ҳакамлик суди шартномада қатнашувчи давлатлар ўртасидаги иқтисодий низоларни, шунингдек шартномада қатнашувчи турли давлатлар қарамоғидаги корхоналар ўртасидаги низоларни ҳал этади.

Олий ҳакамлик судини тузиш тартиби қонун билан белгиланади.

IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

19-модда. **Иттифоқдаги Миллатлараро алоқа тили**

Шартнома қатнашчилари ўз давлат тили (тиллари)ни мустақил равишда белгилайдилар. Шартномада қатнашувчи давлатлар рус тилини иттифоқдаги миллатлараро алоқа тили деб тан оладилар.

20-модда. **Иттифоқнинг пойтахти**

Москва шаҳри Иттифоқнинг пойтахтидир.

21-модда. **Иттифоқнинг давлат рамзи**

Иттифоқнинг давлат тамғаси, байроғи ва мадҳияси бўлади.

22-модда. **Шартномани ўзгартириш ва тўлдириш тартиби**

Ушбу шартнома ёки унинг айрим қоидалари фақат Иттифоқни ташкил этувчи барча давлатларнинг розилиги билан бекор қилиниши, ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

23-модда. **Шартноманинг кучга кириши**

Ушбу шартнома Иттифоқни ташкил этувчи давлатларнинг олий ҳокимият органлари томонидан маъқулланади ва у мухтор делегациялар томонидан имзоланганидан кейин кучга киради.

Уни имзолаган давлатлар учун ўша санадан бошлаб ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги 1922 йил шартномаси ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

24-модда. **Шартнома юзасидан жавобгарлик**

Иттифоқ ва уни ташкил этувчи давлатлар қабул этилган мажбуриятларнинг бажарилиши учун ўзаро жавобгар бўладилар ва ушбу шартномани бузиш натижасида етказилган зиён учун товон тўлайдилар.

25-модда. **Иттифоқнинг ҳуқуқий ворислиги**

Мустақил давлатлар иттифоқи Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳуқуқий ворисидир. Ҳуқуқий ворислик ушбу шартноманинг 6 ва 23-моддалари қоидаларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

Ишбилармонларни жалб қилиш йўли билан Андоқда кичик гилам тўқиш, каштa тикиш цехлари, майизни чиройли қоғозларга ўраб сотишга ёки экспорт қилишга тайёрлайдиган фабрика ҳам қуриш мумкин. Ишчи кучи, етарли хом ашё шу ернинг ўзидан топилади.

Қишлоқ четидаги оромбахш жойларни ўзлаштириб, кашшофлар оромгоҳи ёки катталар учун дам олиш уйи қуриш мумкин. Бундай соясалқин, хушманзара жойларни яқин атрофдан топиш қийин. Агар шу тадбирлар амалга оширилса, йўл қурилиши масаласи ҳам кўпгина ташкилотлар томонидан бажарилиши мумкин. Бу муаммоларнинг изчил ва режали ҳал этилиши аҳолини иш билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Андоқдаги, унга яқин қишлоқлардаги мактабларнинг аҳволини, шароитларини ўрганиб чиқишга эса бизнингча, халқ таълими вазирлиги алоҳида эътибор бермоғи даркор. Негаки, бу ерлардаги давлат ва жамоа хўжаликлари ҳозирги пайтда ўз кучлари, маблағлари билан мактаб шароитини яхшилашга имконият топа олмайдилар. Агар вазирликнинг ўзида етарли маблағ бўлмаса, у ёрдам сўраб бошқа манфаатдор ташкилотларга мурожаат қилиши, тегишли юқори идораларга таклифлар киритиши мумкин.

Дарвоқе, касалхона, ҳаммом, йўл қурилиши, алоқа воситалари, савдо ишларини яхшилаш борасида вилоят ва район раҳбарлари билан сўзлашдик. Ул

«Ўзбекистон овози»нинг мустақиллик дорилфунуни

ТЕНГЛАР ичра тенг юртимизда истиқлол шабадаси кезмоқда. Ўзбекистон мустақиллик йўлини тутди. Яқин вақтларгача алқаб келинган катта оила дастурхонига ризқимизни қийиб бўлса ҳам деярли боримизни тортиқ қилиб, қўл қовуштириб турадиган замонлар ўтди. Шукурлар бўлсинки, энди рўзғоримизни ало ҳида қилиш, хўжалигимизни ўзимиз юритишимизнинг мавриди келди. Бу унчалик осон бўлмаслиги табиий. Энди буёғи ўзимизга боғлиқ. Давр тўрт мучали соғ ҳамюртларимизни ташкилотчилик, ишбилармонлик, қолаверса, хориж билан бевосита мулоқотга мойиллик бобида батамом уддабурон бўлишларини тақозо этмоқда.

Бинобарин моддий ва маънавий бойликларни кўпайтириш, мерос, қадрият ва анъаналаримизни авайлаб асрашимиз, янгича удум, маросимларимизни қўллашимиз ҳам бу борадаги ишимизнинг муҳим тармоғидир. Халқимизда етти хазинанинг бири, деган нақл бор. Бунинг ўзига хос таъбири бўлиши керак. Балки бобокалонларимиз боғ-роғ, сигир-бузоқ, отулов, ер-сув, дон-дун, уй-жой ҳамда паррандачилик каби моддий бойлик манбаларига эга бўлишни тўкислик, деб тушунишгандир. Аслини олганда бу ишлар ҳали ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Бордию, бунга республика иқтисодиёти маъносида қарайдиган бўлсак, яна бир ёрқин манзара кўз олдимизга келади. Чунки, ўлкамиз битмас-туганмас катта бойликлар макони. Фақат унга соҳиблик қилиш, катта хўжаликни омилкорлиқ билан юритиш учун чинакам соғлом кучлар даркор бўлади.

Эл соғлиғи — юрт бойлиги, деб бежиз айтилмайди. Ана шу бойлик том маънодаги хазинанинг бирига айланишида жисмоний тарбия ва спорт муҳим омил саналади. Одамлар ўзлари хоҳлаган спорт билан шуғулланиб, ҳар доим тетик ва бардам юришса, вақтинча иш қобилиятини йўқотиш варақасини тан олишмаса, ишлаб чиқаришда меҳнат сурури авжга чиқади, унумдорлик ортади, сифат яхшиланади. Муҳими, ўша варақаларга давлатнинг миллионлаб тўловлари иқтисод қилинади.

Тўғри, одамлар саломатлиги барқарорлигини таъминлаш, ёшларни уйғун камол топтириш фақат жисмоний тарбия ва спорт мутасаддилари зиммасида, деб қараш жуда ҳам тўғри бўлмайди. Боиси, инсоният нафас олиб турган ҳозирги жамиятда атроф-муҳитнинг барқарорлаштириш, ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазасини тўғри ташкил этиш, қулай шароитлар яратиш, қолаверса, бўш вақтдан унумли фойдаланиш каби омиллар борки, буларнинг бари саломатликни яхшилашда алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, спорт билан ёшликдан мунтазам шуғулланишни одатга айлантиришга нима етсин. Чиниққанга гард юқмас, дейишади. Чунки, машқини тобига етказиб юрган йигит-қизлар унча-мунча хасталикларга чап бериб, бошқаларда ҳавас уйғотишлари турган гап. Аслини олганда ота-боболаримиз ўтмишда йигитлар ҳамда қизларнинг жисмоний тарбиясига ўзига хос эътибор қилишган. Айтайлик, ота ўғлини абжир, чаққон, чапдаст, қадди-басти самбитдек бўлиши ҳақида қайғурган. Бунинг учун йигитнинг сузишга, камондан нишонни бехато уришга, қиличбозликка ҳамда чавандозликка ўргатган. Бу борадаги ҳикоят ва ривоятлар бизга мерос бўлиб қолган адабиётларда баён этилган. Умуман ҳар ким болаликдан саломатлиги ҳақида қайғурса, катта бўлганда ҳамиша соғ кишилар сафида бўлиш масъулиятини унутмаса, айни муддао бўлади.

ҲАММА соҳада бўлгани каби халқимиз мустақил Ўзбекистон спортининг келажаги ҳақида ҳам ўйламоқда. Сирасини айтганда истиқлол, янгиланиш даври имкониятларни чамалашга, истиқбол сари интилишга, қолаверса, изланишга даъват этади. Янги муаммолар юзага келиши табиий. Кўпроқ ғайрат кўрсатишга, меҳнат қилишга, ишларни уддабуронлик билан ташкил этишга тўғри келади. Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт янги саҳифа очиши керак. Бундан буён ўлкамизда оммавийликни таъминлаш, маҳоратли ёшлар сафини кенгайтириш, мамлакат ҳамда чет эллларда ўтказиладиган йирик мусобақаларда Ўзбекистон нуфузини муносиб шарафлашга қодир ёшларни оёққа турғизишимиз, айни пайтда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз зарур бўлади.

Тошкентда «Интерспорт» ташқи иқтисодий корхона таркиб топди. Асосий мақсад спорт комитетининг хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатиш борасидаги ишларида воситачиликни ўрнига қўйишдан иборат. Чунки, бундан буён спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги чиқишлари ўзига хос сармоя — валютага эга бўлишликни тақозо этади. Ахир биз ҳам давлатдан мадад кучлари олиш билан кифояланмай, айрим соҳаларда хўжаликни мустақил юритишга, кирим-чиқимларни барқарорлаштиришга интилиб борамиз.

Ўлкамиз ёшлари яқин келажакдан бошлаб Осиё ўйинларидек йирик спорт анжуманида қатнашадиган бўладилар, деб айтиш мумкин.

Обид НАЗИРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ РАИСИ

ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

Бу борада дастлабки қадамлар ҳам қўйилди. Хусусан Осиё мамлакатлари билан маданий алоқаларни кучайтиряпмиз. Йил бошида Хитой Халқ Республикасининг Шинжон уйғур мухтор райони билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу келишувга мувофиқ енгил атлетикачиларимиз Хитойда бўлиб, халқаро мусобақада иштирок этишди. Шу кунларда Хитой Халқ Республикаси спортчиларининг келишларини кутиб турибмиз. Хитой ёш футболчилари Тошкентда уч ой бўлиб мутахассисларимиз ёрдамида маҳорат оширишга ва ўз навбатида Хитой спорт кийим-кечакларини етказиб бериш бўйича ёрдам кўрсатишга ваъда қилишди.

Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар бўйича имзоланган шартнома ҳам республикамиз спортчиларининг хориж билан алоқаларини яхшилашда муҳим омил бўлиши кутилмоқда. Биз Ҳиндистон билан Ўзбекистон спортчилари ўртасида ўтказиладиган ўзаро мусобақалар ва борди-келдилар борасида аҳдлашиб олдик. Ўйлаймизки, спортнинг бир қанча қизиқарли турлари бўйича халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказилиши ҳар иккала мамлакат ёшлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Биз бундан буён Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам ана шундай истиқболли шартномалар тузишидан умидворміз.

Спортчилар ўртасида ҳамма йўллар олимпиадага олиб боради, деган гап бор. Энди мустақил республика ўзининг олимпиада ҳаракатларига эга бўлмоғи лозим. Бу борада ташкилий ва тадбирий ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон махсус олимпиада комитети рўйхатдан ўтказилди. Ҳозир мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, таклифлар киритишяпти. Бир сўз билан айтганда, яқин келажакда Ўзбекистон спортчилари кучлилардан иборат алоҳида терма жамоаси бўлиб, республикамиз нуфузини ҳимоя қиладиган бўладилар.

Илгари рекордлар кетидан қувиш, шон-шаф кат, шуҳратга маҳлиё бўлиш, қайси йўл билан бўлса ҳам медалли бўлишга интилишга зўр бериларди. Жисмоний тарбия ва спортнинг асосий моҳияти меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат экани кўпинча унутилиб қўйиларди. «Саломатлик — туман бойлик» деган мақолга деярли амал қилинмай қўйилганди. Фақат республикамиздагина эмас, мамлакатимизда ҳам бу борадаги ишлар яхши эмас эди. Афсуски, жисмоний тарбиянинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий тарбияда тутган ўрнига етарли баҳо берилмади.

Айтайлик, мамлакатимизда ҳар йили бир ишчи йилига ўртача 15 кун бетоб бўлса, АҚШда бу тўрт кунни ташкил этади. Шунингдек, бизда 500 минг киши пенсия ёшига етмай вафот этиши ҳам ўрганилган. Бундан кўриладиган иқтисодий зарар 70 миллиард сўмни ташкил этаркан. Мамлакат аҳолисининг ўртача 6—8 фоизигина жисмоний тарбияга жалб этилганини табиий ҳол, деб бўлмайди. АҚШда бу рақам 60 фоизни ташкил этади. Шундан ҳам кўринриб турибдики, жисмоний тарбиянинг оммавийлашуви ўз-ўзидан бўлавермайди. Одамлар жисмоний тарбия билан шуғулланишни кундалиқ одат ва фарз, деб билсалар ва уни канда қилмасликка ҳаракат қилишса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Ёшу қарини ўзлари ёқтирган спорт турлари билан шуғулланишлари учун қулай шароитлар яратиб, турли ўйинлар, машғулотлар ва мусобақаларга ихтиёрий боришлари таъминланса, оммавийлик замини мустаҳкам бўларди.

Маълумки, барча спорт турлари орасида оммавий ва қизиқарли, деб эътироф этиш бўйича футбол олдинда туради. Футбол ҳақиқатан ҳам эл севган ўйин. Футбол дунё бўйича кенг тарқалган спорт тури ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам футболни севувчилар кўплаб топилади. Бугунги кунга келиб, мамлакатни мустақил давлатлар иттифоқи бўлиб турганлиги ҳам ўзига хос муаммоларни ўртага қўймоқда. Республикалар мустақиллик йўлини тутиб, мамлакат чемпионати ўйинларига бедаҳл бўлиб қолмоқдалар. Ўзбекистон Республикасида барча лигаларда тўп сураётган футболчиларимизнинг ғолиблик учун курашлари бундан буён қай йўсинда давом этиши жиддий ўйлаб кўришни тақозо этмоқда. Эҳтимол ўз чемпионатимизни ташкил этармиз ёки Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари жамоалари ўртасида биринчиликлар уюштирилар. Бу гаплар спортнинг бошқа турларига ҳам дахлдордир.

ЎЗБЕКИСТОНДА спортнинг миллий турларини ривожлантириш, азалий анъаналар ва қадриятларни тиклаш ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин. Сирасини айтганда, ўтган 70 йил мобайнида ота-боболаримиз эъзозлаб келган миллий ўйинлар, маросимлар ва анъанавий томошаларга эътибор қилмай қўйдик. Шу йил баҳорида Жиззахда ўзбек халқ миллий ўйинлари бўйича илмий-амалий конференция уюштирилди. Узоқ йиллар Ўрта Осиё республикаларида оммавий саналган халқ ўйинларининг бир қанча турларини тиклашга, амалда томоша қилишга муяссар бўлинди. Мутахассислар ҳамда спорт жонкуярлари халқ ўйинларини ҳаётга қайтариш учун қимматли таклиф ва мулоҳазаларни илгари суришди.

Биз бундан буён жисмоний тарбияни янада ривожлантириш, оммавийликни таъминлашга, имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Чунончи, тобора оммавийлашиб бораётган бухороча курашни Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидагина эмас, мамлакат миқёсида ҳам оммавийлашувига йўл очилади. Чунки, курашнинг бу турида ёшларга маъқул келиб қолган самбо, дзюдо каби беллашувлар ва шарқона беллашувнинг айрим жиҳатлари уйғунлашган. Ҳозир Ўзбекистонда спортнинг мазкур тури бўйича мустақил федерация таъсис этилган. Ўйлаймизки, мустақил Республиканинг ёшлари орасида Паҳлавон Маҳмуддек, Рустам Достондек девқомат курашчилар камол топса ажабмас. Умуман ўлкамиз илгари бўлганидек, Гўрўғлидек марду майдон, моҳир чавандоз ўғлон, Барчинойдек жасур ва танти қизлар масканига айланади. Халқимиз улар билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлади. Муҳими, йигитларимиз жисмоний жиҳатдан уйғун камол топиб, республика, қолаверса, мамлакат сарҳадларини қўриқлашга ўз ҳиссаларини қўшишда қамарбасталик қиладилар, деган ниятдамиз. Жисмоний тарбия ва спорт чин маънода эл соғлиғи — юрт бойлиги, деган рамзий маънога эга бўлади.

«ҚАРОРНИНГ ИЖРОСИ ҚАНИ?»

Рўзномамизнинг шу йил 15 октябрь сонида юқоридаги сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Хўжайли райони хўжаликлари, хусусан Ҳамза номли колхоз деҳқонлари бир неча ой мобайнида иш ҳақини ололмаётганликлари ёзилган бўлиб, бунга район давлат банки пул бермаётгани асосий сабаб қилиб кўрсатилганди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ БАНКИдан танқидий мақола хусусида расмий жавоб олинди. Унда жумладан, шундай дейилади:

— Мақола юзасидан Ўзбекистон давлат банки ва республика деҳқончилик саноат банки ходимлари биргаликда текширув ўтказдилар. Бунда шу нарса аниқландики, Хўжайли деҳқончилик саноат банкида хўжаликларнинг меҳнат аҳлига пул тўлаш учун маблағ етарли бўлган, аммо банк бошқарувчиси А. Пиримбетов Ўзбекистон ҳукуматининг қарорини бажаришда масъулиятсизликка йўл қўйган. Натижада райондаги бир неча хўжаликларда одамларга иш ҳақи ўз вақтида тўланмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаймизки, мақолада қайд қилинган Ҳамза номли жамоа хўжалигида ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун берилиши лозим бўлган қарзнинг ойма-ой миқдорини аниқлаш анча қийин бўлди.

Текширув натижалари Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноат банки ҳаҳатининг навбатдан ташқари мажлисида муҳокама қилинди. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини бажаришда масъулиятсизлик кўрсатгани учун Хўжайли район деҳқончилик саноат банки бошқарувчиси Пиримбетовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди ва Қорақалпоғистон банкининг бошлиғи О. В. Ким қаттиқ огоҳлантирилди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

Бундан ташқари вилоят банкларининг раҳбарларига деҳқончилик саноат банкининг республикадаги ҳамма бўлимларига меҳнаткашларнинг меҳнатига ўз вақтида нақд пул тўлашни таъминлаш борасида текширув ўтказиш, агар ўз вақтида тўланмаган қарзлар банк ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида келиб чиққан бўлса, мутасадди шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи топширилди.

Мақолада кўтарилган масаланинг ниҳоятда жиддийлигини эътиборга олиб, республика акционерлик-тижорат деҳқончилик саноат банки ўзига тегишли банк бўлимлари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, етакчи мутахассислари билан сим орқали мулоқот ўтказди.

Уларга республикадаги вазиятни барқарор таъминлаб туришда одамларга иш ҳақини ўз вақтида тўлашни йўлга қўйиш етакчи омил эканлигини ҳисобга олиш ва бу вазифани бажаришга барча имкониятларни сафарбар қилиш топширилди.

Ўзбекистон республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноат банки ҳайъати танқидий мақола орқали банклар фаолиятини яхшилашга кўмаклашганлиги учун рўзнома муҳарририятига миннатдорчилик билдиради.

● Ульянов районидаги «Москва» давлат хўжалигида турар жой қурилиши ҳажми ошганлиги туфайли қурилиш материалларига талаб кўпаймоқда. Қишлоқ меҳнатчилари ўз кучлари билан ғишт заводи қуришди. Корхонада ярим миллион дона ғишт тайёрланади.

Суратда: корхона участкаларидан бири.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ЗАВОД КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

●ГУЛИСТОН тажриба ремонт-механика заводида қуйиш цехининг янги биноси қад кўтарди. Ҳозир Тошкент мотор заводининг мутахассислари ностандарт технологик ускуналарни, қолиплаш машиналарини ўрнатмоқдалар. Пўлат ва чўян қуйиш учун қолипларни ҳам ишлаб чиқиш ниҳоясига етказилмоқда.

Айни вақтда янги корхона учун ишчилар ва ходимлар тайёрланмоқда. Бу ерда саккиз мутахассислик бўйича уч ойлик ўқишга одамлар қабул қилинмоқда. Таълим олувчиларга 150 сўмгача стипендия берилади, ёшлар бу ўқишга жон-жон деб қатнашмоқда.

Завод маҳсулотлари истеъмолчиларга тобора кўпроқ маълум бўлмоқда. Мана яқинда «Жигули» ва «Москвич» автомобиллари учун тормоз колоткалари ишлаб чиқара бошладилар. Улар сифат жиҳатидан бошқа корхоналарникидан қолишмайди, у дўконларда тез сотилмоқда. Халқ истеъмоли молларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилмоқда.

(ЎзТАГ мухбири).

• Акс-садо

ТАКЛИФЛАР МАЪҚУЛ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДОРИЛФУНУНИ»ДА ЧИҚҚАН «ИСТИҚБОЛГА ҚАДАМ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Мамлакатимизда ҳаётнинг барча жабҳаларида инқироз кучайиб, муаммо орқасидан муаммо келиб чиқмоқда. Тақчил маҳсулотлар рўйхати кун сайин ортиб, нарх-наво осмони-фалакка чиқяпти. Натижада кун кўриш ҳам оғирлашиб, инсон ҳаёт даражаси мисли кўрилмаган даражада пасайиб кетмоқда. Табиат, атроф-муҳит бузилди. Сув, ҳаво инсон учун яроқсиз бўлиб қолаётир. Одамларда инсоний фазилатлар камайиб, турли хил жиноятлар кўпаймоқда.

Қисқа қилиб айтганда, мамлакат ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам мафкуравий жиҳатдан боши берк кўчага кириб қолди. Бу гаплар Ўзбекистон учун ҳам таллуқлидир. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, иш ҳақининг миқдори, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа қатор кўрсаткичлар бўйича республикамиз барча жумҳуриятлар орасида энг охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Узоқ йиллар давомида Марказнинг сиёсий ва иқтисодий соҳаларда олиб борган нотўғри сиёсати натижасида вужудга келган тангликдан чиқиш учун жумҳуриятлар муайян чора-тадбирларни кўришга интилмоқдалар.

Бу борада жумҳуриятимизда ҳам анчагина ишлар амалга оширилянти. Республикамизнинг мустақил, деб эълон қилиниши ана шу тадбирлар орасида энг муҳими, энг ҳаётийсидир. Мустақиллик келажакка катта умид билан қараш имконини туғдирди. Ўлкамиз истиқболи учун зарур бўлган барча табиий ва иқтисодий имкониятлар мавжуд. Республикамиз ҳаётида вужудга келган кўплаб муаммолар ҳақида ўкинч билан ўйлар эканмиз, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг шу йил 18 сентябрь сонида чоп этилган академик С. Зиёдуллаевнинг «Истиқболга қадам» сарлавҳали мақоласини маъқуллаш зарур, деган фикрга келдик.

Ҳар қандай бой мамлакат ҳам ҳаёт учун зарур бўлган барча маҳсулотларни ўзида ишлаб чиқариш имкониятига эга эмас. Шунга кўра, турли иқтисодий алоқаларни ривожлантириш жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам мақола муаллифининг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон ўртасида иқтисодий алоқаларни янада кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги фикрларига тўла қўшиламиз. Ўртача ва кичик савдо дўконларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи айрим корхоналарни хусусийлаштириш, кичик ҳамда чет эллар билан ҳамкорликдаги қўшма корхоналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳам диққатга сазовордир. Жумҳурият истиқболи борасида мақолада келтирилган яна бир қатор таклифларнинг ҳам амалга оширилиши мустақил Ўзбекистон олдида турган муҳим вазифаларни бажаришда ва умуман, халқ турмуш даражасини яхшилашда маълум роль ўйнаши мумкин. Биз, иқтисодчи олимлар «Ўзбекистон овози» рўзномаси саҳифаларида юқоридаги сингари мақолаларнинг тез-тез бериб борилишини истар эдик.

Э. АҲМЕДОВ,
иқтисод фанлари доктори.

МАШИНА МАШМАШАСИ

• МУШТАРИЙ СЎЗ СЎРАЙДИ

Ҳурматли таҳририят! Ушбу мактубни ҳеч қандай сабабсиз вазифасидан четлатилган одам йўллаяпти. Халқимизда «Ғатғат қилган қарнайчи, балога қолган сурнайчи» дейилганидек, бугунги кунда мен балога қолиб ўтирибман.

Ўзингиз биласиз, бозорда машинанинг нархи фалон сўм. Шу боис районга келадиган ҳар битта енгил машина одамларнинг назарида. Очиғини айтадиган бўлсам, шу йилнинг март ойида районимизга ажратилган 7 та «Жигули» машинаси тақсимотидаги чалкашлик туфайли бошим ғавғодан чиқмай қолди.

Одатда енгил автомашиналар хўжалик, корхона ва ташкилотларга район режалаштириш комиссияси томонидан тақсимланади. Бироқ, бу вазифани бизда аслида фақат райижрокомгина бажаради. Мен эса райижроком фармойишига кўра одамларга машиналарни хатлаб бераман, холос.

Ўша еттита машинанинг учтаси ижроком фармойишига асосан Э. Жуманбулбул ўғли номли давлат хўжалигига берилди. Иккитаси район кенгаши раисининг ўринбосари У. Пўлатов ва район халқ назорати қўмитаси раиси Х. Турдибековга берилди. Кейинги икки машина бевосита район кенгаши раиси Я. Халилов кўрсатмаси билан тақсимланган.

Бу одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлди. Э. Бобоназаров шикояти асосида районимизда машина тақсимоти масаласи вилоят кенгаши томонидан ўрганилди. Очиғини айтсам, текшириш якуни билан фақат кенгаш раёсати йиғилишидагина танишдим. Хуллас, барча айбни менга юклашди. Район кенгаши раиси Я. Халилов, райижроком раиси Ж. Бурхоновга огоҳлантириш берилди. Мени вазифамга ноло йиқ, деб топишди ва бу масалани сессияда кўриб чиқишга тавсия қилишди.

Июль ойидан бери районда икки марта сессия бўлди. Бироқ менинг масалам кўрилмади. Бу ҳам етмаганидек раёсат йиғилишида вазифамдан четлаштиришди, аниқроғи, бошқа ишга кўчиришмоқчи бўлишди. Мен ҳаммасига рози эдим. Бироқ икки-уч ойдан бери сарсон қилиб юрганлари жонимга тегди. Шу орада машина тақсимоти билан район прокуратураси ҳам шуғулланди. Нима учундир машина тақсимлаган кишилар қолиб, менинг устимдан жиноий иш қўзғашди. Бироқ кўп ўтмай ишни бекор қилишди.

Мен ўзимни камчиликлардан холи, деб билмайман. Мансаб учун курашаётганим ҳам йўқ. Фақат ҳар ким ўз қилмишига яраша қонуний жазосини олишини истайман.

Б. ТОШНАЗАРОВ,
Қўшработ район режалаштириш комиссияси раиси.

• Турли касб эгалари

ИХЛОС

Қуш инида кўрганини қилади, деганларидек олти яшар қизалоқ том орқасида унган баргизубдан бир дастасини териб келди-да, онасига мақтанди:

— Ойи, ойи, биласизми бу нима? Қаранг, ўзи худди от қуллоққа ўхшайди. Топдингиз — баргизуб! Уни қуритиб, сўнг чойга дамлаб ичса кўкйўтал деган касалликка даво бўлади.

Юзларига ажин туша бошлаган аёл қизини бағрига босди:

— Балли она қизим! Сен ҳам отангга ўхшаб табиб бўларкансан.

Қизалоқнинг мурғак қалбида ажиб ҳислар пайдо бўлди. Дадажонисини ҳам, у кишининг оппоқ ҳалат кийиб аллақандай дори-дармонлар устида тинмай ишлашиниям жуда-жуда яхши кўриб кетди. Ҳалиги бир даста кўкатини кўтарганча Абдулла аканинг хонасига чопқиллади.

Доришуносликда анча-мунча доврўг қозонган Абдулла ака доимо янги дори-малҳамлар яратиш устида ўйлаб юрарди. Фикри-зикри шу қизалоғида ҳам бўлгани, ундан келгусида умиди катта эканини Азиза кейинчалик тушунган бўлса ажаб эмас. Ўшанда уни дадаси бағрига босиб, айтган сўзлари сира ёдидан чиқмайди.

— Аввало табиатга меҳр қўйганинг, одамларнинг дардига шу заминдан даво излаганинг жуда олижаноб иш. Оддий баргизубнинг ҳосиятини шунчалик тушунганинг мени жуда қувонтиради.

...Болалик орзулари йиллар ўтиб рўёбга чиқди. Азиза Абдулла қизи 1956 йили Тошкент тиббиёт олийгоҳини муваффақиятли тамомлаб, етук терапевт бўлиб етишди. У онда-сонда она шаҳри — Андижонга отланганида албатта отасининг номига қўйилган «Абдулла Ашуров кўчаси»дан мағрур ўтади. Ҳар гал ажиб болалигини, ўшанда азиз дадажониси эркалаб айтган сўзларни эслайди. Ўзича шивирлайди: азиз дадажоним, мана қизингиз сиз умид қилган кунларга етди!

Орзунинг қаноти бўлади, деганлари айни ҳақиқат экан, ёшлигидан ота касбига чинакам ихлос қўйган қиз бугунги кунда раҳматли отаси каби жумҳуриятда хизмат кўрсатган шифокор деган юксак унвонга сазовор.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим, кейинчалик тиббиёт олийгоҳида бу соҳа сирларини мукаммал эгаллаётганимда ҳам энг яқин маслаҳатчим, том маънодаги мураббийим азиз дадажоним бўлгани билан фахрланаман. У киши етук доришунос бўлсалар-да, даволаш, муолажа қилиш усулларини пухта билганлар. Менга ҳам бу борада анча-мунча таълим берганлар, — дейди Азиза опа ҳаяжон билан. — Ота касбига ихлос қўйган, ўз падари бузруквори изидан борган одам сира кам бўлмаслигини дилдан ҳис қиламан энди.

Ашурова илк меҳнат фаолиятини пойтахтдаги 1-шаҳар клиникасида бошлаган эди. Ҳамкасблари, айниқса, бу ердаги таниқли шифокорлар унинг билимдонлигига, зукколигига, энг муҳими, назарий билимини амалиётда тўғри қўллаб, беморларга кўнгилдагидек муолажа қилишига тан беришган.

— Тиббиёт соҳасида бири-бирига устоз, бири-бирига шогирд бўлиши керак, барча шифокорлар. Мен гарчи мустақил равишда даволаш ишларига астойдил киришиб кетган бўлсам-да, ҳамиша устозлар ўгитига маҳтал ҳис қилардим ўзимни. Тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар Рауф ака Абдуллаев, Манзура опа Ҳамидова, марҳум Мунира Турсунхўжаевалар ҳар бир ёш шифокорга ўз фарзандидек муомала қилар, уларга инсонни даволашдек улуғ ишда яқиндан кўмаклашар, беиҳоя улкан билим ва тажриба талаб қиладиган мазкур соҳа сир-асрорларини чуқур ўргатишга, сабоқ беришга вақтларини аямасдилар. Хусусан, мен ҳам ана шу ажойиб устозларимдан ўрганганман ҳақиқий шифокорликни!..

Чеҳрасидан доимо нур ёғилиб турадиган, оппоқ ҳалати ўзига жуда ярашган Азиза Абдулла қизининг даволаш усуллари беморга манзур бўлар, зотан, ундан муолажа олган кишиларнинг саноғи йўқ. Доврўг қозонган терапевт-табиби кўп ўтмай катта даволаш масканларидан бири — Тошкент шаҳар тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-шифохонасига таклиф қилишди. Бир неча йилдирки, Азиза опа шу масканда даволовчи-табиб бўлиб ишлаётир. Анча вақт бу ерда бўлим мудири вазифасини ҳам бажарди. Сўнгги пайтда ўрнини иқтидорли ёшларга бериб, ўзи оддий даволовчи-табиб сифатида кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлаётир.

Шифо масканига даволанишга келганлар Азиза Абдулла қизининг ширин муомаласидан, намунали муолажасидан мамнун бўлишади. Ҳурматли академик адибимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин шундай деган эди:

— Азизахон беморларни нанки дори-дармонлари билан, балки чинакам ўзбекона, аёлларга хос ширинсуҳанлиги билан даволайди. Очиғи, у менинг ўз қизимдек қадрдон бўлиб қолган. Ҳар гал бу ерга соғлиғимни мустаҳкамлаш илинжида ташриф буюрар эканман у меҳр билан қарши олади. Муолажаси ҳам ҳақиқий шарқона! Мен уни том маънода ибн Сино авлодидан, дегим келади. Унинг отаси Абдулла Ашуровни ҳам яхши билардим. Доришуносликгу табибликда доврўг қозонган бу инсоннинг зурриёди ота изидан бориб чинакам камолотга эришган.

Мазкур шифо масканида А. Ашурова сингари кўпчиликнинг меҳрини қозонаётган оқ халатли шифокорлар талайгина. Устози Нина Скородумовани, Маҳфуза Ҳайдарова, Валентина Кузнецова, Клара Баҳодирова сингари чинакам издошларининг номларини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади.

Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино тиббиёт оламида яратган жамики кашфиётларини кенг қамровли қилиб ёзган ўз даврида. Бу ажойиб мерос бизга қадар етиб келгани бугунги фанимизга, маданиятимизга улкан ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Опа ҳам тинмай ижод қилади, қалам тебратади. Уннинг даволаш ва муолажага оид кўпгина илмий-оммабоп мақолалари жумҳуриятимиз рўзнома-ойномаларида ёритилган, Қувончлиси шундаки, у яқинда олтмиш йиллигини нишонлаган бўлса-да, ҳамон изланишда. Минглаб хаста кишиларга намунали хизмат кўрсатиш билан бир қаторда меҳнаткашларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш қайғуси билан яшайди. Бу унинг кўплаб мақолаларида акс этади.

Давримизнинг етук табибларидан бири, тиббиёт соҳасида тинмай қалам тебратаётган заҳматкаш инсон Азиза Ашуровага биз ҳам омад тилаймиз.

С. МАҲМУДОВА,
Т. ЭШБЕК.

• СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БОР?

ҚАЛОВИНИ ТОПСАНГ

● Мамиржон Тожибоев қаловни топадиган ишбилармонлардан. У киши қариб 30 йилдан бери савдо соҳасида баҳолиқудрат хизмат қилиб келмоқда. У кишининг инсон, қолаверса раҳбар сифатидаги ғамхўрлигидан кўпчилик миннатдор.

Мамлакатимизда, ҳусусан мустақил республикамизда озиқ-овқат билан аҳолини таъминлаш масаласи муаммо бўлиб турган бир пайтда М. Тожибоев олди-берди йўли билан Олмония ва Венгриядан бир неча минг тонна гўшт, олий нав ун келтириб, уруш ва меҳнат фахрийларига ва фуқароларга тарқатишга муяссар бўлди.

Шунингдек, шартномага мувофиқ Олмониядан уч миллион сўмлик қанд, сариёғ ва ун ҳам келтирилди. Маҳсулотлар Фарғона ва Қирғули шаҳар аҳолиси дастурхонига тортиқ этилди. Фарғоналик А. Попов, Қирғулидан В. Яцунненко оилалари миннатдорчилик билдирдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ уй-жой қуриш учун соф даромаддан 300 минг сўм пул ўтказилди. Давлат банкидан 200 минг сўм қарз олиниб, хизматчиларга берилди, Янги йил арафасида савдо ходимларидан В. Синицина, З. Мамажонова ва бошқалар ховли тўйи ўтказишга ҳозирлик кўришмоқда.

ҲАМҚИШЛОҚЛАР ҚУВОНЧИ

● Сирдарё вилоятининг Комсомол райони қишлоқларида бир қатор савобли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Оқолтин қишлоғида дорихона фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишларига 110 минг сўм сарфланди.

Дорихона Польшадан келтирилган жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Янгиер шаҳрида эса хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатадиган поликлиника иш бошлада. Бу ерда мактабгача тарбия муассасаларининг ходимлари, тарбияланувчилари, умумий овқатланиш хизматчилари тиббий назоратдан ўтказилмоқда. Вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича яна бир дадил қадам ташланди. Чунончи, сариқ касалликларга қарши фойдаланиладиган гаммаглобулин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

А. НОРҚУЛОВ.

ТАБИИЙ ГАЗ УЛАНДИ

Навоий районидаги «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги худудида истиқомат қилаётган 250 хонадон табиий газ билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги фармонлари жойларда, хусусан қишлоқларда бажарилаётгани кўпчиликни мамнун этмоқда. Яқинда Азамат, Шеробод, Қаҳрамон, Гулобод, Параканда, Туркман, Жобу қишлоқлари тўлиқ газлаштирилди. Савобли ишларни амалга оширишда район ва Навоий шаҳар газлаштириш идоралари ҳамда «Бинокор» ширкати ходимлари жонбозлик кўрсатишди.

Е. УМАРОВ.

ҲАМОН САФДАМАН

Очиғини айтсам, бундан 16 йил аввал автомобиль ҳалокатига учраб, ногиронлар қўшилганимдан кейин кўп нарсадан умидимни узган эдим. Яхшиям саховатли, ғамхўр одамлар бор экан.

Ёлғиз қолмаяпман. Қўқондаги 10-автобус парки жамоаси ғамхўрлик кўрсатмоқда. Айниқса директор Мўминхон Мўйдинов, касаба уюшмаси раиси Нўъмонжон Орипов эътибор қилиб туришибди. Байрамларда, маросимларда йўқлашади. Гап совғада эмас эътиборда деганларидек, моддий ва маънавий томондан кўнглимизни кўтариб турадилар. Бир сўз билан айтганда ҳамкасбларим билан фахрланаман ва ўзимни ҳамон ўшалар сафида юргандек сезаман.

У. ОЛИМБОЕВ.

• УМРБОҚИЙ УДУМЛАР •

ИНСОН ДУНЁГА КЕЛДИ

Маълумки илгарилари аёлларнинг кўзлари ўз уйларида ёрир, ўша кун яқинлашиши олдидан улар кўнгилларига яқин, хушмуомала, чаққон доя кампирларни излар эдилар. Доя хомиладор аёлнинг иқи суягидан бўлиши керак. Қолаверса, туғиладиган гўдакнинг феъли-атвори ҳам шу доя онага ўхшаб кетади, деган нақл бор...

Хонадонда янги инсон дунёга келгач ўша уй тўйхонага айланиб кетади. Хоҳ у биринчи, хоҳ ўнинчи бола бўлсин, уни қутлаб ким суюнчи, ким сочқи — топганини кўтариб келаверади.

Гўдак дунёга келганда уни биринчи бўлиб доя буви бағрига оларди. Дарҳол жомга солиб чўмилтириб, поклаб олар ва ўша заҳотиёқ онасига тутқазишар эди. Ингалаб турган чақалоқ ёруғ дунёга келган он биринчи доя бувисини ва онажонини кўрарди. Тамшаниб, онасининг иссиқ кўксидан алланималар қидирар ва шу боис она-бола ўртасида кўзга кўринмас меҳр иплари боғланар эди. Янги дунёга келган гўдакнинг уйи қутлуғ, яъни чиллахона ҳисобланарди. Қирқ кунгача уйга чироқ ёқиб қўйилар, оналари эса кўчага чиқмас, ўзгалар билан кўришмас, чақалоғини ҳам бегона кўзлардан асрашарди. Болакайга кекса донишманд оталар ёки оналар ота-онасининг ё амма холасининг исмига монанд ном қўйишган. Токи, бир умрга шу ном болага бахт, омад келтиришини узоқ умр беришини эътиборга олишган.

Болани бешикка солиш ҳам чиройли маросимлардан бири бўлган. Бола етти, тўққиз, ёки ўн бир кунлик бўлганида бешикка солинган. Бешик асбобларини эса, кўпчилик бўлиб тикишар ва унга турли хил ўйинчоқлар, туморлар, попуклар тақиб безашарди. Турмай турган бола бўлса унинг кўрпачаси, кўйлакчаси қуроқдан тикиларди. Бундан мурод болакайга кўз тегмасин, умри эса боқий бўлсин, дегани эди. Бола етти-тўққиз кунлик бўлганда юпқа пиширилларди. Бу одатнинг ҳам ўзига хос маъноси бор эди. Борди-ю, қирқ кунгача чақалоққа атаб юпқа қилинмаса шу боланинг хулқида бирор асорат бўлади, деган гумон бўлган. Мечкай, бировга бирор нарсани қиймас кишиларга нисбатан ишлатиладиган «чилланг чироқ кўрмаган экан» деган ибора эҳтимол шундан келиб чиққандир.

Болани бағрига қучган ёки бешикка белаб, тебратаётган она алласини эшитмабсиз дунёга келмабсиз. Она алласи гўдак холи-жонига сут билан кириб, унинг мурғак кўксида бир умрга офтоб бўлиб қолади:

«Тол ичинда танлаб олган
Толи чавконим болам, аллаё-алла
Гул ичинда ҳидлаб олган,
Гули райҳоним болам,
аллаё-алла».

Болани бешикка одатда серфарзанд, сердавлат, табаррук онахонлар белаб беришган. Энг аввало тароқ, пичоқ ва ойна бешик бошидаги ястиқ тагига қўйилган. Бунинг ўзига хос маъноси шундаки, гўдак ҳаётига ойнадек тиниқлик, пичоқдек ўткирлик, насиба бутунлиги ният қилинган. Шундан кейин чақалоқ эъзоз билан бешикка ётқизилган. Она эса қалин тўшалган кўрпачага ўтириб сийнасини нури дийдасига тутган. Ана шунда она қўлига нон тутқазишган. Она уни бир тишлаши билан шўх болакайлар олиб қочишган ва кўчама-кўча бир-бировларини қувлашиб нон талаш қилишган. Кейин бешик устидан ва онанинг бошидан ширинлик ва тангалар сочилган. Бешик тебратиб, алла айтаётган онанинг овозидан чақалоқ сел бўлиб уйқуга кетган. Бироз эсини таниб, уч-тўрт ойлик бўлгач эса, онага жўр бўлиб ором ола бошлаган. Она алласига тўйган, ундан роҳат олган инсон борки енгил-елпи қуйқўшиқларни тан олмайди. У ўз халқи қуйлаган қўшиқни жон-дилидан севади, ундан олам-олам баҳра олади.

Мен ўз ёшлик давраларимни, ота-боболаримиз, фаришталдек момоларимизни эслаганимда ана шундай чиройли удумларимиз ёдимга келади. Афсуски, уларни биз унутиб қўйдик. Яна бир нарса мени жуда-жуда қийнайди. Мурғакларимизнинг аксарияти тўрт-беш ойлик бўлишгандан сўнг сунъий сут билан боқилмоқдалар. Тўғри, бунга ёш онанинг ўқиши, бетоблиги ёки иш билан ниҳоятда бандлиги, қолаверса экологик муҳитнинг таъсири сабаб бўлмоқда. Лекин қандай бўлганда ҳам болага она сути, ўз онасининг сути керак. Илгарилари кўкрагидан сут қочган она ўзини қўярга жой тополмаган. Ҳар куни етти чақиримча йўл босиб бўлса ҳам гўдагига она сути топиб келган. Сутини соғиб берган аёл эса ўша фарзандига иккинчи она ҳисобланган.

Ачинарли жойи шундаки ҳозирда ёш оналарнинг баъзилари кўкрак сутлари қуриётганига қайғурмайдилар, сутни кўпайтириш чораларини излаб, даволанмайдилар. Аксинча болани сунъий овқатлантиришга ўтиб оладилар. Халқимизда сут билан кирган жон билан чиқади, деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Туғуруқхоналарни кўз олдингизга келтириб кўринг-а, бир хонада ўнга яқин янги бўшанган аёллар ётишади. Бири ёш, бири ўрта ёш, бири соғлом бўлса, бошқаси бемор. Қўшни хонада эса гўдакларнинг инга-ингаси эшитилиб туради. Бечора оналарда бўлса ҳаловат йўқ. Ҳамширалар уларга идиш бериб, сутларини соғдириб оладилар, уларни аралаштириб гўдакларга сўрғич орқали эмизишади. Шундай қилиб бири касалманду, бири соғ, бири жоҳилу, бири майин, бири қаллобу, бири нопок, бири кўп йиллар дорудармон олиб фарзанд кўргану, бошқаси эса не-не машаққатлар билан туғган боласини тақдир ҳукмига улоқтирмоқчи бўлган оналарнинг сутлари айқаш-уйқаш бўлади. Қани айтингчи, бундай турли хулқ-атворлик, турли хислатлар, турли миллату турли динга мансублик аёллар қалбидан, шууридан сизиб чиқаётган сутда наҳотки ўз аксини топмаса?! Бу кўзга кўринмас, қўл билан тутиб бўлмас, ҳаттоки микроскопларда кўринмас илоҳий туйғуку, ахир.

Шу ўринда жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигидан бир ўтинчим бор. Туғуруқхоналарда чоғроқ бўлса ҳам она-бола ётадиган хоналарга эришайлик. Янги бўшанган она боласи нафасини ҳис этиб ётса тезроқ оёққа туради. Она ҳар қандай аҳволда ҳам энг яхши энагадан кўра боласига яхшироқ қарай олади. Умуман янги бўшанган оналар, янги дунёга келаётган болалар ҳақида муносиб қайғурадиган, ғамхўрлик қиладиган, миллат тақдири, миллат келажаги ҳақида ўйлайдиган вақт келди. Ахир насл-насабимиз пойдеворига инсон дунёга келган кундан эътиборан ғишт қўйилади.

Фарзанд, унинг камол-эътибори хусусида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қайғурайлик, унинг равнақи учун энг эзгу ишларимиз хизматида бўлсин. Азиз оналаримиз, ота-боболаримиздан қолган фойдали удумлар, расм-русумларни тавоб қилайлик. Гўдаклар соат сайин, кун сайин шаклланиб, улғайиб борадилар. Уларнинг ёшлик хотираларини ширин ўйлар, яхши қуйларга, қариндош-уруғу, хешу ақраболарга ҳамоҳанг тарбиялаб борайлик.

Инсон дунёга келди... Бу хушхабар жарчиси хонадонларимизга қувончу келажак, оқилу донолик олиб кираверсин.

НИЛУФАР
шоира.



● Гулистон шаҳрида Мирзачўл ўзлаштирилиши тарихий музейи очилди. Кўргазмаларда бунёдкорларнинг фаолияти ва ҳаёти акс эттирилади.
Суратда: музей биноси. **Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзТАГ).**

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ

бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: эҳтимоллик назарияси, Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ҳисобга олиш иқтисод ихтисослари бўйича сиёсий иқтисод, макроиқтисод ва ижтимоий ривожланишни олдиндан кўра билиш ва бошқариб бориш, меҳнат иқтисоди ва ижтимоёт, умумиқтисодий ихтисос бўйича сиёсий иқтисод, товаршунослик, ҳаётий фаолият хавфсизлиги, 2-чет тили, халқаро ҳуқуқ, сайр-саёҳатлар иқтисоди, сиёсатшунослик.

профессорлар: Ўзбекистон тарихи ва маданияти, ҳуқуқ шунослик, умумиқтисодий ихтисослар бўйича сиёсий иқтисод, товаршунослик (2), агросаноат мажмуи ва уни режалаштириш, технологиялар тизими, сиёсатшунослик, молия, кредит ва нарх-навонинг ҳосил бўлиши, меҳнат иқтисоди ва ижтимоёт, ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги, саноатда бухгалтерия ва хўжалик фаолиятининг таҳлили, 1-чет тили;

доцентлар: Ўзбекистон тарихи ва маданияти (2), иқтисодий кибернетика (2), ҳисоблаш техникаси (2), ҳисобга олиш-иқтисод ихтисослари бўйича сиёсий иқтисод, макроиқтисод ва ижтимоий ривожланишни олдиндан кўра билиш ва бошқариб бориш (3), меҳнат иқтисоди ва ижтимоёти, умумиқтисодий ихтисослар бўйича сиёсий иқтисод (2), савдо тижорати, товаршунослик (3), ҳисоб (2), олий математика, иқтисодий ахборотга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимлари, технологиялар тизими, умумиқтисодий ихтисослар бўйича фалсафа, 2-чет тили, сиёсатшунослик, сайр-саёҳатлар иқтисоди, маркетинг ва халқаро реклама (3), молия, кредит ва нарх-навонинг ҳосил бўлиши, саноат иқтисоди, ўзбек тили;

катта ўқитувчилар: Ўзбекистон тарихи ва маданияти (2) иқтисодий кибернетика, иқтисодий информатика, ҳисобга олиш-иқтисод ихтисослари бўйича сиёсий иқтисод, меҳнат иқтисоди ва ижтимоёти, хўжалик механизмини бошқариш (2), умумиқтисодий ихтисослар бўйича сиёсий иқтисод, товаршунослик (3), рус тили (3), ҳисоб (2), олий математика, умумиқтисодий ихтисослар бўйича фалсафа (2), 1-чет тили (2), савдо менежменти, сиёсатшунослик, маркетинг ва халқаро реклама, саноатда бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили (3), ишлаб чиқариш воситалари тижорати ва маркетинги, иқтисодий ахборотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизимлари, экология иқтисоди (2), молия, кредит ва нарх-навонинг ҳосил бўлиши(2).

ассистентлар: ҳисоблаш техникаси, меҳнат иқтисоди ва ижтимоёти, сайр-саёҳатлар иқтисоди, саноатда бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятининг назорати ва таҳлили, экология иқтисоди;

ўқитувчилар: ўзбек тили, 2-чет тили (2), бадан тарбия ва жисмоний тарбия.

ТОШКЕНТ ДОРИШУНОСЛИК ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича
профессор—ўқитувчилар таркибидаги
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: тайёр дорилар технологияси;
катта ўқитувчилар: жисмоний тарбия ва соғломлаштириш (2);

ўқитувчилар ва ассистентлар: жисмоний тарбия ва соғломлаштириш (9); ботаника, физика ва риёзиёт, органик кимё (2); фармакотерапия (биринчи тиббий ёрдам курси билан), фармацевтик кимё, фармация ишини ташкил этиш ва унинг иқтисоди, токсикологик кимё.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700015, Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ-ТЕХНОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ

«Сименс» фирмасининг «Хайком — 100» кичик муассасавий коммутаторлари билан таъминлаш, монтаж қилиш, созлаш, ўрнатиш ва ишга туширишни, кафолатли ва сервис хизматини **амалга оширади.**

Янги «Хайком — 100» тизими илгарилари телефон тизими қўлланилмаган кўпгина қулайликларга эга.

«Хайком — 100» тизим барча турдаги АТСлари билан мувофиқ келади.

Тўлов — эркин алмаштириладиган валюта ёки сўмларда амалга оширилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, 107-алоқа бўлими, Қирқ қиз кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: 77-04-50, 77-50-94, 77-03-70, 77-48-75.

ПАХТА ТОЗАЛАШ ВА ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Асбоб» қўшма совет — Венгер корхонаси пахта толасидаги ифлосликни аниқлайдиган FM—30 ускунаси ва пахта толасидан ишлаб чиқарилган ипларни сифатини текширадиган асбобларни ҳавола қилади.

Маълумотлар олиш учун **қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин**: 700070, Тошкент шаҳри, 70-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 8-уй, «Асбоб» қўшма корхонаси.

Тошкентдаги телефонлар: (37 12) 56-15-73, 56-39-71.

«ТОШКЕНТ» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

«ВИТА» КООПЕРАТИВИ

чекланмаган миқдорда мактаб бўрлари ва қурилиш бўрини

СОТАДИ

Нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан шартнома асосида ҳақ тўланади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Магазин-Мавзук кўчаси, 254-уй. Телефон: 48-08-39.

«ВИТА» кооперативи.
«СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «САРБОН» Ўзбекистон реклама агентлиги.

• ҲАЙКАЛЛАР ХУСУСИДА УЧ МАКТУБ

ОРТИҚЧАСИ КЕРАК ЭМАС

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинган 1991 йил 1 сентябрдан кейин Ленин ва унинг сафдошлари ҳайкаллари ҳақида шов-шувлар кўтарилди. Менинг шахсий фикримча, улар ҳаммаси ўша даврдаги партия-ҳукумат қарори билан халқ пешона териси эвазига қурилган... Ўйлаб кўриш керак.

Тарихий давлат ва маданиятимиз арбобларидан фақат дунёга машҳур боболаримиз Амир Темур, Бобур Мирзо, Улуғбек, Аҳмад Яссавий, Ат-Термизий, Жомий, Хоразмий, Ҳазрат Алишер Навоий, кейинги авлодлардан И. Охунбобоев, А. Икромов, Ф. Хўжаев, У. Юсупов, Ш. Рашидов, Ғ. Ғулом, Ҳамза, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, У. Носир, Ойбек кабиларнинг ҳайкалларини тиғилган жойи, номи берилган илмгоҳлар, завод ва фабрикалар олдиларига ўрнатилса етарли, деб ўйлайман.

Халқ пулини исроф қилиб, қуриб ташланган ҳайкаллардан нима фойда? Уларнинг ўрнига яхши чиройли фавворалар, замонавий ҳовузлар, ясли, боғчалар, мактаблар қурилиб, атрофлари гулзорлаштирилса, халқ дам оладиган жойларга айлантирилса, нур устига нур бўлур эди. Эски ҳайкалларни алоҳида музейга қўйсак, ёдгорликларни асраш ва сақлаш ишига ҳисса қўшган бўлардик.

Р. ТОШТЕМИРОВ,
II гуруҳ уруш ногирони.
Фрунзе райони.

КИМНИНГ ПУЛИГА?

Яхшими, ёмонми ҳар бир ёдгорлик ва обида халқнинг жуда катта маблағи ҳисобига қурилади. Биргина ҳайкалнинг фақат лойиҳаси учунгина минг-минглаб сўмлар ваъда қилинган танлов ҳақида эълонларни ким ўқимаган дейсиз! Қадимги «золим» подшолар давридаги синиқ сополлару, тупроқ остида бурдаланиб кетган ҳайкал бўлакларини археологларимиз бутун умрларини сарфлаб, ер остидан қазиб олишса-ю биз яқин ўтмишимизни «қайта қуриш» ниқоби остида ер билан яксон қилсак. Ўтмишини қоралаган халқнинг эртанги келажаги нима бўлади?

Биз шошқалоқлик қилмаяпмизми? Наҳот 70 йиллик тарихимизни ерга кўмиб ташласак! Ёдгорликларни йўқотиб нимага эришамиз? Бозоримиз тўкин бўлиб қоладими? Президент солиғи йўқоладими? Нарх-наво паст тушадими?

А. ҚУТБИДДИНОВ,
Марғилон шаҳри.

ВАҚТИ КЕЛДИ

Тарих саҳифаларини варақлар экансиз, жуда кўп ноҳақликларнинг гувоҳи бўласиз. Булар ҳар томонлама ўрганиб, чуқурроқ таҳлил этишни талаб қилади. Ана шундагина ноҳақ воқеалар кам содир бўларди. Биз буюк инсонларимизни устидан ҳар хил ноҳақ туҳматлару, бўҳтонларга ўрин қолдирмаган бўлардик. Ана шундай туҳматлар халқимизнинг севимли фарзанди, жамоат ва давлат арбоби Ш. Рашидовни ҳам четлаб ўтмади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, айтар пайти келди: бу кишининг ўлимидан суюнганлар кам бўлмади. Улар ўзини яқин тутиб, лабидан ўпиб, кўксига ханжар урдилар. Улар унинг атоқли адиблигини, давлат арбобилигини бутунлай инкор қилиб, золим, халқ душмани, одамларга азобу-уқубат келтирган, шахсиятпараст, ҳаммаёққа ўзини тиқадиган, ижодкорларга йўл бермаган, ўз тазйиқини ўтказиб келган раҳбар қилиб кўрсатишга уриндилар. Рўзнома, ойномалар яна шундай мақолалар билан тўлди. Кўплар бу киши устидан ёзиб унвонларга эга бўлишди.

Ш. Рашидовнинг даб-дурустдан рўй берган қазоси ҳақидаги хабар бутун жумҳурият, Ўрта Осиё ва чет мамлакатларда тезда тарқалди — уни қатор қардош жумҳуриятларда, хорижий мамлакатларда жуда яхши ҳурмат қилардилар. Бу бизга жўнатилган таъзияномалардан маълум.

Ҳа, тарих ғилдираги мудом олға босаверар экан, тарих эса ўз айтганидан қайтмас экан, оқни оқ, қорани қора деяркан... Халқнинг қалбига кириб борган, дилидан муносиб ўрин эгаллаган Шараф Рашидов номини, унинг қилган ишларини халқ унутмайди, унутмаган ҳам.

Мен Иттифоқимизнинг кўп жойларида бўлдим. Уларнинг ҳаммаси бу кишининг тадбиркорлиги, маданиятлилиги, оддийлиги, хушмуомалалиги, байналмилалчилиги, берган сўзи устидан чиққанлиги, ўз халқига фидойилиги, содиқлиги тўғрисида гапирдилар.

Тошкент шаҳрини кезарканмиз, шаҳарнинг марказий кўчаларида Гоголь, Горький, Куйбишев, Киров кабиларнинг барваста ҳайкалларини кўрасиз. Бунинг устига халқимизнинг асл фарзандлари Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино кабиларнинг ҳайкаллари шаҳарнинг чекка-чеккасида қолган. Яна ачинарлиси, шу шаҳарда туғилиб, ҳурматлари кўп бўлган Тўйчи Ҳофиз, А. Қодирий, М. Уйғур кабиларнинг ҳайкали йўқлигидир.

Нега энди Куйбишев, Гоголь, Горький ва бошқаларга ҳайбатли ҳайкал қўйиш мумкину, деярли умрининг ярмидан кўпини Тошкентда ўтказган, хизматлари кўп бўлган (метро, Халқлар дўстлиги саройи в. ҳ.), айниқса зилзиладан кейин шаҳарни обод, гўзал бўлишига ҳисса қўшган Ш. Рашидов ҳайкалига жой йўқ, номида кўча йўқ? Метро бекатларига номини қўйиш мумкин эмасми?

Айниқса, шу дамларда, жумҳуриятимиз мустақил деб эълон қилинган пайтларда дастлаб Тошкентда халқ фарзанди Ш. Рашидовнинг ҳайкалини ўрнатиш айни муддао бўларди. Бундан ташқари Самарқанд дорилфунуни бош биноси олдида унга қўйилган ёдгорлик (бюст)ни қайта тиклаш пайти келди.

З. АПТАРОВ,
Самарқанд шаҳри.

● ФАРҒОНА ДОРИЛФУНУНИ 60 ЕШДА ●

ЎҚИШ УЧУН МАДИНАГА

Водийдаги энг кекса илм учоқларидан бири Фарғона давлат дорилфунунининг 60 йиллигига бағишланган тантана бўлиб ўтди. 1930 йили педагогика институти сифатида ташкил этилган илм даргоҳининг иш бошлаши водий маданий ҳаётида улкан воқеа бўлган эди. Ўтган 60 йил давомида илмгоҳни 45 мингдан знёд олий маълумотли педагог кадрлар тамомлаб чиқди.

Шу кунларда Фарғона давлат дорилфунунида бир қатор янги мутахассислар тайёрловчи факультетлар ишлаб турибди. Яқинда эса Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги дорилфунунда санитария ва медицина факультетини очишга руҳсат берди.

Шуниси қувончлики, дастлабки йилданоқ дорилфунун халқаро миқёсга чиқмоқда. Бу ерда чет тилларни ўрганиш маркази, халқаро алоқалар бўлими ташкил этилган. Яқинда Саудия Арабистонидаги Мадина шаҳри олий илмгоҳига дорилфунуннинг дастлабки уч талабаси таҳсил олиш учун жўнаб кетди.

Фарғонада олий педагогик таълимга асос солган илм даргоҳининг 60 йиллик байрамига бағишланган тантаналарда республикамизнинг турли вилоятларидан, қўшни республикалардан келган меҳмонлар қатнашдилар.

А. ИБОДИНОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 39-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Нилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.

№ 230.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—21.30. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.